

84(597)
Х20

Саъдулла Ҳаким



Қўхна нақл



CH0000034907

Саъдулла Ҳаким

КҮХНА НАҚЛ

Қарши мениң күндеринде
Күндеринде мениң күндеринде
Сәздең күндеринде мениң күндеринде
Одайланың да мениң күндеринде



Күнгил юзин күз ичидан ахтаринг,
Күклам изин куз ичидан ахтаринг.
Сүздан либос киймиш, изтиробдан тож,
Саъдуллони сўз ичидан ахтаринг!

84(543)
X 20

Саъдулла ҲАКИМ

КЎҲНА НАҚЛ

Шеърлар, тарихий достон, таржималар



Нурбек Абдусаломов



Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

928617

K-48657

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011

УДК
84(5Ў)6
Х-20
ББК 84(5Ў)6

Ҳаким, Саъдулла.

Кўҳна нақл: шеърлар, таржималар, тарихий достон/
С.Ҳаким. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уий, 2011. – 300 б.

Таниқли шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
Саъдулла Ҳаким шеърият муҳлисларига «Ҳамал тонглари», «Сен кутган
баҳор», «Ёз оқшоми», «Она сўз», «Сайланма», «Кўнгилт юзи» китоблари
 билан яхши таниш. Шоир ижодида Она-Ватан табиати, халқимизнинг
ўзбекона бетакрор фазилатлари оҳорли образлар, гўзал манзаралар, ажаб
шеърий ифодаларда тараннум этилади.

Шоир олтмиш ёши муносабати билан мазкур китобга анъанадан
бошқачароқ тартиб беради. Китобга бутун ижодидан саралаб олтмиш
шеър, олтмиш тўртлик, таржималаридан намуналар ва «Олис юлдуз»
тарихий достонини киритган. Ишончимиз комилки, китобга жамланган
шеърлар ўқувчиларга манзур бўлади.

ББК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-03-369-6

© Саъдулла Ҳаким.
© Faфур Fулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уий, 2011 й.

ЛАТИФ ВА ДИЛБАР ШЕЪРИЯТ

Шеър – кўнгил изҳори, беҳудуд инсоний ҳисларнинг баъзан пўртаниали, шиддатли жаранги, баъзан сокин, аммо дилнинг нозик томирларигача сингиб, сизиб кетадиган ва завқу шавққа фарқ этадиган бетакрор оҳанглар, ажиг кечинмалар тасвири. Таниқли шоир Саъдулла Ҳакимнинг «Кўхна нақл» китобини ўқиб чиққандаги бунга тағин бир бор иқрор бўлдим.

Саъдуллани талабалик давридан биламан. Университетни тутатаётганда диплом ишига раҳбарлик қилганман. Адашмасам, лирик асарлар таржимасида муаллиф услубининг акс этиши Пушкин ижоди мисолида ўрганилган эди.

Ўшандан буён Саъдулланинг шеърларини матбуот саҳифаларида, тўпламларида ўқиб келаман. Унинг ўз услуби, рангтасвирчи рассомдай она юртимизнинг тофу тошлари, дашту далалари, боғу бўстонлари, дарёю қирлари суратини чизиб, ажиг нозик табиатли меҳнаткаш, яратувчи инсонлар қиёфаси, муҳаббати ва меҳри, дарди ва ғурурини тараппум этиб келаётганини ўқувчилар яхши билишади. Шоир бугун ўттис йилдан зиёд вақт ичida ёзган шеърларидан қайта-қайта танлаб-саралаб, китобхонларга назм гулшанидан бамисоли бир гулдаста тақдим этаёттир. Зоро, яхши бадиий асар, хоҳ у насрий, хоҳ шеърий бўлсин, руҳ озиғи, маънавий камолотимиз тиниқ булоғидир.

Саъдулла Ҳаким ўзига хос овозга, ўз созига эга шоир. Ҳуш, бу нимада кўринади? Бу, энг аввало, туйғу-кечинмалар тасвиридаги оригинал, тоза ва бетакрор ифодада намоён бўлади. У сўз билан дилкаш, жонли манзара чизади. Сўз – унинг учун муқаддас, илоҳий бир неъмат, инсон руҳияти, қурдату қувватининг тимсоли, инсон борлифи, ҳаёт ўзаги!

Неки яралмиш бари
Сўзнинг жисму жонидир.
Сўз – чиганоқ гавҳари,
Кўнгил сўз ватанидир.

Ушбу оҳорли ифодалар «Сўз жамоли» шеъридан олинди. Шеърда «тоза тийнат, покдомон» бир донишманднинг эътиқоди тасвириланади, яъни заррадан коинот қадар бутун мавжудот сўздан иборат, деган фоя илгари сурилади. Чунки Аллоҳ таоло «ярал» деган амридан пайдо бўлган бу борлиқ. Ибтидода эса сўз, яъни тил яралди. Донишманд назарида «бу дунёни ёритиб турган ҳам сўз..., инсон дардин аритиб турган ҳам сўз...», сўз ўлса одам ҳам, олам ҳам ўлади. «Бир сўз бор сўз аввали жой олган дил тўридан, Қолган барча сўз асли ўша сўздан ўриган». Донишманд бутун умри давомида ўша ягона сўзни қидиради. Охири мадори кетиб, худ-беҳуд ҳолатга тушади. Умидини узган бир пайтда, таажжубки, кўзига сўз жамоли элас-элас кўрингандай, сўз тимсолида Яратганинг жамоли жилва қилгандай бўлади. Кувончи ичига сифмай шогирдларини ҳузурига чорлайди. Кўрдим, топдим, бир умрлик муродим ҳосил бўлди, дея ҳайқирмоқчи бўлади. Лекин, англайдики, тилдан қолибди. Донишманд ўкраб йиғлар экан, «Сўзга қовушмай лаби ғўлдиради, сўнг сўлғин «Ана, у!» деган каби осмонга чўзди қўлин». Энди унинг боши устида устознинг очиқ кўзини аста ёпар экан, шогирди аҳд қиласди: «...Ўша сўзни бир кун сўзсиз топаман!». Эътиборли жойи шундаки, шоир бу ўринда «сўзсиз» сўзига қўш маъно юклайди. Буни, аввало, «албатта топаман ўша сўзни» деган маънода тушуниш мумкин. Иккинчи маъноси шуки, «ўша сўзни топаман, лекин унда худди устоз каби айтаман дейману айта олмайман». Менимча, шеърдаги сиру синоат, унинг таъсир кучи ҳам шунда. Англамоқда сир қолмаса моҳиятда маъно ҳам бўлмайди. Шу боис «Сўз жамоли» шеъри илохий бир сўз ҳақида бамисоли мадҳия каби жаранглайди ва ботиний, романтик туйғуларимизни мавжлантириб юборади.

Дарҳақиқат, Саъдулла шеърларида романтик тасвирилар мўл. Унинг «Ёз оқшоми» шеърига назар солайлик:

Ой бўзарib ботаётган
Ёз оқшоми ичida,
Аёл ёқди атлас гулхан
Шундоқ оёқ учida.

Нима бу «атлас гулхан»? Шоир нимани назарда тутган? Албатта, энг аввало, кўз олдингизда атлас кўйлак кийган аёл қиёфаси намоён бўлади. Лекин ана шу атлас гулхан – гўзаллик (гулзор), ишқ (оловли муҳаббат) ҳам. Аёл қалби ишқ билан

сарафroz. Тоғ тарафдан эсган шамол атлас гулханни ловулатиб юборади. Маржон-маржон гулхан учқунлари кўк тоқига сочилади. Шоир ана шундай ишқ эртагини нафақат аёл либоси, ҳаракатлари тимсолида, балки аёлга ҳамроҳ бўлган тун, юлдузлар, ой, салқин шаббода, ёш олмалар, майсалар «суҳбати», қувончи, ҳамрозлиги билан қўшиб куйлаган. Бу ўзига хос ранглар поэзияси, гўзаллик симфонияси. Санъаткор рассомнинг тиниқ ва ёрқин тасвирини эслатувчи бундай завқли манзаралар, ранго-ранг лавҳалар Саъдулла шеърларига хос айрича хусусият:

Ишком ости супада
Күзга чалинар хиёл,
Күкрак тутиб, бешикка
Суянган сўлим аёл.

(«Чоштепада ёз» иеъри).

Унинг қаҳрамонлари учун илк баҳор ҳам, жазирама ёз ҳам, мусаффо, сокин куз оқшомларию қаҳратон қиш ҳам бирдай севимли, маҳбуб. Улар ўзлари мансуб далалар, тоғу дарани алла айтиб улғайтирган меҳрибон оналаридаи қадрлайдилар, севадилар, шамолу туман, ёмгиру қорни илоҳий неъмат, ҳаётлари тагзамини деб биладилар, ундан тўйиб-тўйиб баҳра оладилар ва қувончу дардларини дарахтларга сўзлайдилар. Умуман, Саъдулла шеърларида Инсон ва Табиат яхлит бир бутунлик сифатида олиб тасвирланади. Бу шеърларни ўқиган ўқувчининг она юртига, Аллоҳ ато этган бетакрор маконга меҳри зиёда бўлади, кўнгли нурга тұлиб боради. Шоирнинг «Ёмғир суви» туркум шеърларидан парча ўқинг:

Тонгда боғ, күчада минг қүёш ёнди,
Күшлар гул бүгзіда наво үйгонди,
Уфқлар ортида совиди шамол.

Олмоскүз исирға тақди тонгда гул,
Чүгдай құлларини узатиб масъул,
Юzlари чараклаб жилмайды Хамал.

Илк баҳор пайти – Ҳамал кириб келганидан яйраган дил қувончининг тасвири бу. Уйғониш, янгиланиш даракчиси, ҳаётнинг ногаҳоний тұфонаи, элчиси бұлмеш Ҳамал ана шундай жонли лавхаларда қызмет берилған. Шоирнинг ма-

ҳорати шундаки, бу нурафшон дамлар, инсонлар қалбидა уйғонган шодлик ва суур, янги тараддуллар, меңнат ва яратиш шавқи, ва энг асосийси, нозик түйгулар – ёш қалбларда уйғонган севги фунчалари, безовта ва ғоят фараҳбахш, ширин дамлар, дийдорлашувларни бор дилбарлиги, жозибасию назокати билан құшиб тасвирлайды.

Шон деса йұл олди деб Тошканни айт,
Шаън деса курсат Нурота тоғини!

Албатта, босиб үтилган умр йұли ҳам орзу, ҳам ҳайрат, ҳам ижод, ҳам ибрат мактаби. Саъдулла Ҳаким үзи туғилиб үсган Нурота тизма тоғлари, Фориш тумани Гараша қишлоғи дара-даштлари тароватини, содда, аммо жұмард, бунёдкор инсонлари, уларнинг қайноқ ҳаётию фурур-ифтихорлари, үтмиши ва бугунги орзу-умидларини ҳам айни шундай ёрқин услугуб билан жүшиб күйлады. Бу жиҳатдан китобга киритилған «Оқсарай» манзумаси, «Содиқ ит» ривояти, «Бола Ботир», «Олис юлдуз» достонлари диққатни тортади. Халқ афсоналари ва тарихий воқеалар қоришиб кеттеган бу асарларда муҳаббат ва садоқат, мардлик ва жасорат күйланади, халқимизнинг Ватан озодлиги йүлидаги жонғидолиги улуғланади.

Саъдулла Ҳакимнинг Гёте, Лермонтов, Есенин, Юнус Эмро каби шоирлар ижодидан қылған таржималари ҳам бадиий кашфиёт даражасида амалга оширилған бўлиб, ўқувчиларда чуқур таассурот қолдиради. Буларнинг бари яхши ният, илҳом ва меңнат меваларидир.

Китобни ўқиган киши үзига хос вазмин табиатли, аммо дилида латиф, нозик түйгулари гужғон урган шоир билан сұхбат қуради, олам ва одам ҳақида ўйға чўмиб, қалби ёришади, руҳий лаззат топади.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
профессор, филология фанлари доктори

ШЕРЛАР

*Киндик қон тұқылған тупроқни
Хар қанча күйласанг ярашар.
Мен тоғли қишлоқнинг ўғлони,
Масканим майсали Гараша.
Ирмоқлар қирғоқдан тошған юрт,
Адрлар сарпоси күкалам.
Ғалладан ҳосили ошған юрт
Ҳам чұпон алқаган пок Ватан...*



ГАРАШАЛИКЛАР ҚҰШИФИ

Бұғдойзорда елга етак наво оқар,
Күн тиғида булулардан таҳсин ёғар.
Бу диәрни севғанларга баҳтлар боқар,
Юрт қадрига етмаганни чақмоқ урсин.

Гарашалик, агар иши кетса ҳам чап,
Оқ сут берган онасини кетмас ташлаб.
Ким билмаса умри учун буни матлаб,
Баҳтта етдим деганида чақмоқ урсин.

Бойчечакни боласидек сүймаса ким,
Ризқу неъмат тупроқ исин туймаса ким,
Бир гул сұлса, армон ичра куймаса ким,
Гулга күли етған чоқда чақмоқ урсин.

Туёқлари учқун сочиб тулпор елар,
Тун бағрига титроқ солиб тоғлик келар.
Үл келгунча уйда чироқ үчса агар,
Ёр иззатин билмағанни чақмоқ урсин.

Таслим бўлмас фурур эли тоғлар мангур,
Бўлиқ сийна бўса берган чоғлар мангур,
Хиёнатдан қалбда қолган доғлар мангур,
Ўзга боққа кўз тикканни чақмоқ урсин.

Баҳор келди, қани сенинг турналаринг,
Самовотга осудалик тилаганинг?
Гар йўқ эса маъқул бунда турмаганинг,
Дўппиталаб бошгинангни чақмоқ урсин!



ОСТОНАДА

Учқур назм отим, сен асов,
Энтикасан, шошасан қайга?
Юрар йүлинг пасту баланд, дов,
Толдирмасми поёңсиз пойга?
Унда минглаб елқанот тулпор
Түёғидан сачратиб учкун,
Бир пок дунё кашф этиб борар,
Пойларида юлдуз тұла тун.
Мен биламан, пойга ул недир, —
Минг полвонга биргина улоқ.
Қисматингда не бор, билмайман,
Билолмайман, тулпорим, бироқ.
Менга аён, кимлардир ҳомий,
Жиловингдан олға етаклар.
Сеҳр этади бутқул ишқ доми,
Түёғингдан сачрап эртаклар!
Тұзонларда кимлардир ғаним,
Аччиқ қамчи тортар беомон.
Сен-чи, фақат чопасан, жоним,
Бойчибордек тұзим билмас жон.
Чопмагайсан беҳуда лекин,
Борар жойинг аниқдир тугал.
Жон дүстларинг ундадир сенинг,
Унда сени сўроқлар Ҳамал!

1971



ЙҮЛДАГИ ТҮЙФУЛАР

Киндик қон түкілған тупроқни
Хар қанча құйласанг ярашар.
Мен тоғли қишлоқнинг ўғлони,
Масканим майсали Гараша.
Ирмоқтар қирғоқдан тошган юрт,
Адрлар сарпоси күкалам.
Галладан ҳосили ошған юрт
Ҳам чүпон алқаган пок Ватан.
Фарзандлик ҳиссидан маст, сарин,
Шавқ бўлиб кезганман тоғларда.
Гуркирар болалик йилларим
Сой бўйи – узумзор боғларда.

Илм ва меҳнатда омад ёр,
Тилакдош эдилар одамлар.
Илмнинг этагин тутган хор
Бўлмайди, дедилар одамлар.

Мен бу кун эзгулик асири
Йўл олдим шаҳарга – шовқинли.
Ва лекин, онажон қишлоғим,
Қалбимда асрарман шавқингни.
Вужудим мабодо қолса ҳам
Йироқда, қисматнинг комида,
Бағрингга барибир қайтурман
Безавол бир қўшиқ номида!

1971



ЯНА КЕЛАР СЕН КУТГАН БАҲОР

Қўй, оҳ чекиб ўртанма бунча,
Табассум қил, кўзлари хумор.
Битта бўлмас бутоқда фунча,
Бошқасининг очилмоғи бор.
Сабр айлагил тағин келгунча
Яна келар сен кутган баҳор.

Ҳаёт ўзи шундай азалдан,
Ёнма-ёндир иқрор ва инкор.
Гул-майсали гўзал қирнинг ҳам,
Назар ташла, паст-баланди бор.
Гулдан тўшаб пойингга гилам
Яна келар сен кутган баҳор.

Келар, салқин, сўлим бир саҳар
Ҳузурингга елади тулпор.
Орзулари орзунгдай тоза,
Қаршингда бош эгиб шаҳсувор
Қўлларингга қўлини қўяр,
Яна келар сен кутган баҳор.

Энди уни эслама, сулув,
Лутфу қарам айламас ағёр.
Оқилларнинг башорати бу:
Бир захматнинг бир эҳсони бор.
Унут уни, ўйларингдан қув,
Яна келар сен кутган баҳор!

1972



ҚҰШИҚ

Замона қурбони, йигитнинг бұзи
Дилафгор Отабек кечиргай ўзи,
Менга насиб этмиш унинг ризқ-рүзи,
Кумушбиби, сизни севиб қолдим мен.

Ой десам ойдайин қызлар йүқ әмас,
Сүзлари майдайин қызлар йүқ әмас,
Ёдимда улардан излар йүқ әмас,
Кумушбиби, сизни севиб қолдим мен.

Варактар күзимга күникиб қолди,
Чол Ҳасан сүзимга күникиб қолди,
Отанғиз үзимга күникиб қолди,
Кумушбиби, сизни севиб қолдим мен.

Биламан, мен сизга ета олмайман,
Күз қорамдек ардоқ эта олмайман,
Ва лекин дил узиб кета олмайман,
Кумушбиби, сизни севиб қолдим мен!

1974



СОДИҚ ИТ РИВОЯТИ

Барвақт жудо айладилар онамдан мени,
Хаёт завқин ато этган хонамдан мени.

Намозшомда олисларга олиб кетдилар
Ва барваста бир кишига ҳадя этдилар.

Хұжайиним күринищдан амалдор эди,
Данғиллама уйи, сулув ёри бор эди.

Атрофимда бұлишдилар бирдек парвона,
Ясашдилар менинг учун кичик бир хона.

Ит зотига бераҳмдир азалдан тақдир,
Ёш бүйнимга осишдилар залворли занжир.

Аччиқ ҳижрон ёшларини ичимга ютдим,
Онағоним үгитларин ёдимда тутдим.

Сергак эдим, ҳар шарпани этардим таъқиб,
Хұжайиним шубҳалардан бұлсин деб воқиф.

Күз ўнгимда сұнар эди күк юлдузлари,
Ором олар эдим фақат тинч кундузлари.

Хұжайиним юмушидан қайтиб келгунча,
Ош-сувимдан огоҳ эди сулув келинчак.

Силаб-сийпаб, әркалаган бўлиб хұжайнин,
Фашимга ҳам тегар эди гоҳо атайин.

Бундан хафа бўлмас эдим сира ҳам аммо,
Ўйлар эдим ёқтиради ўйинни ҳамма.

Бу кун барча билганимнинг бул турур шарҳи:
Ўйинларнинг ўйинлардан кўп экан фарқи.

* * *

Хўжайиним ясан-тусан чиқди бир саҳар,
Уни кутар эди чоғи олис бир сафар.

Момиққина суюклиси тўлғаниб сочи,
Хўжайинни қучиб олди ёзиб қулочин.

Вужудимга ларза солди отаи ҳаяжон,
Оҳ, нечоғли бир-бирига меҳрибон инсон.

Шундай меҳр оташида бир бор қуйсайдим,
Ўз зотимни мен ҳам шундай қучиб-суйсайдим...

Киприкларим намландилар орзуларимдан,
Термуларкан мен уларға орзиқиб зимдан,

Дарвозада ажралишди ниҳоят улар,
Хўжайиним мен томонга боқару кулар.

Силкитганча қўлини сўнг бурилиб кетар,
Ёлғиз гўзал бир-бир босиб айвонга етар.

* * *

Асли сени – бераҳмни эслаб нетайин,
Аммо ёдим унутмайди сени, хўжайнин.

Гарчи қалтак азоблари ёдимда ҳамон,
Лекин сени ўйлагандади ўртанади жон.

Чорламаса эди сени саёҳат сайли,
Балки мен ҳам кўча-кўйда кезмасдим дайди.

* * *

Ў, у машъум қора кеча – бахтсиз ва ифлос!
Дарвозани қоқди кимдир кетма-кет, бехос.

Дарвозага етди гўзал не учундир шод
Ва ўзга ёр лабларига лаб босди, ҳайҳот!

Бу аҳволга лоқайд боқиб турга олмадим,
Занжиримни юлқиб, салчиб ҳура бошладим.

Аммо, айтинг, бирор билан кимнинг иши бор,
Ҳар кимнинг ўз хаёллари, ўз ташвиши бор.

Тонғга қадар рақс тушди чироқ шуъласи,
Оқшом агар шундай эса осмон қуласин.

Юрагимни пора кўрдим, бўзладим хун-хун,
Ой юзида қора кўрдим, сачраб кетди тун!

* * *

Қўлларида совға-салом, жилмайиб мамнун,
Сафаридан қайтиб келди ҳўжайин бир кун.

Момиққина суюклиси тўлғаниб сочи,
Ҳўжайинни кутиб олди ёзиб қулочин.

Соҳибига хиёнатни билмас ит зоти,
Бу удумни четлаб ўтмоқ бизларга ётдир.

Ҳақиқатдан қўз юммоққа етмади бардош,
Ҳўжайиним оёғига қўйдим йиғлаб бош.

Кўпдир сўзлай билмасликнинг жонга касири,
Жиноятлар қолар бисёр очилмай сири.

Билар девдим, билмади у, пайқамади у,
Нопок дилдор сийнасига бош қўйли, ёху!

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

Аламимга бардош бера олмади занжир,
Келинчакка отдим ўзни ваҳший ва абжир.

Аммо ногоҳ кучли зарбдан кўзларим тинди...
Туманларда... хўжайним титраб кўринди...

1974

ПУШТИ ЧИРОҚЛАР

Устоз Ҳамид Олимжонга

Қани, мен ҳам
Бир дараҳт бўлсам...
Кўксимдаги оташ гулхандан
Сон минг пушти чироқлар ёқиб,
Матонатли ўриклар каби
Баҳор йўлларини ёритсам...

ИСТИКЛОЛ

Ҳаёт маъносини баҳор айёми
Барқ туриб яшнаган гиёҳдан ўрган.
Азалий ҳикмат бу, бир кун албатта,
Ёруғликка чиқар зулматни кўрган.

ЮҚСАКЛИК

Чўққида турибман.
Руҳимда байрам,
Етгудайман чўзсан қўлимни қўкка.
Шунча юқсакликка кўтарилемсан ҳам
Ҳамон Она-Ерда турибман тикка.



ОТ ҲУРМАТИ

Нечакунки, қишлоқ узра кезади бир гап,
Кўпкарининг довругига тенг шерик бўлиб.
Сари полвон қамчи тортди Норнинг отига,
Мард йигитнинг бундай ишга бормайди қули.

Бир пиёла чой устида оқсоқоллар боз
Хайрат билан бири қўйиб, бири сўз олар:
«От юзига қамчи тортмас асл чавандоз,
Чавандоздан бу дунёда тантилик қолар».

...Сари чиқар тулпорини етаклаб бу дам,
Элчи йигит узангига тирайди оёқ.
Йўл уйғонар туёқларнинг таронасидан,
Енгилгина рақсга тушар салобатли тоғ.

Мана, ўйнар кўк дарвоза қошида тулпор,
Элчи йигит Нор полвонга узатади хат:
«От ҳурмати айбларимга бўламан иқрор,
Бунга элчи ва ўз отим берар кафолат».

Дастурхонга яраш оши тортилар шу кеч,
Кекса чўпон дуторини қўлига олар:
«Номарлардан мерос ўтар адоват, ўкинч,
Чавандоздан бу дунёда тантилик қолар!».

1975



ХАМДАРДЛИК

Бугун булут босса мовий күк саҳнини
Эртасига она қүёш балқар аён.
Хазонрезги боғлар аро куз салқини:
Тоғ бағрида азалиқдир бир хонадон.

Құй бұғзига қадалганда кескир пичноқ
Фурсат кутиб омон қолар омонат жон.
Түйхонада үти сұниб ётар үчоқ:
Тоғ бағрида азалиқдир бир хонадон.

Гараشاлик отланса ҳам сафар сари
От жиловин уйга буарар үшал замон.
Бир сүз демай дарвозани очар ёри:
Тоғ бағрида азалиқдир бир хонадон.

Ким эди у, атиргулми райхон эди,
Балки доно эди ўтған, балки нодон.
Ким бўлса ҳам шу тоғларға меҳмон эди:
Тоғ бағрида азалиқдир бир хонадон.

Кўнгил сўраб йифилади кексаю ёш,
Йўловчи ҳам бир фурсатга ўтар кириб.
Шундай, ногоҳ қулагудек бўлса бир тош,
Бева каби бўзлар бутун тоғ ўкириб!

1976



* * *

Отам Ҳаким Раҳмат ўғли хотирасига

Бу боғнинг боғбони чол эди,
Соқоли соchlари каби оқ.
Боғ ўрни яланглик жой эди,
Бор-йўғи оқкуврай ва янтоқ.

Бу боғнинг боғбони чол эди...
Терак лол: «Кетди у қаёққа?».
Шафтоли қомати дол энди
Бўзлайди таяниб таёққа.

Узумлар йиғлашар мўлтираб,
Япроққа беркитиб юзини.
Йўл чопар боғ аро тентираб
Йўқотиб боғбоннинг изини.

Боғ кездим, айрилиқ тифидан
Кўксимда жароҳат излари.
Қизариб кетибди йифидан
Олмаларнинг ўйчан кўзлари...

Бу боғнинг боғбони чол эди!

1980



СҮЗ ВА ШАХМАТ

Сўзлар ўхшар шахмат доналарига –
Кузги мевалардек хил-хил сайланиб,
Жойлашиб юракнинг хоналарига
Туришар ҳамиша жангга шайланиб.

Сўзлар ўхшар шахмат доналарига –
Мантиқ ҳар иккиси учун мос либос.
Аспнинг бўлганидек саккиз юриши
Сўзга ҳам маънолар товланиши хос.

Ўйламай айтилган хом сўз, албатта,
Шунчаки қилинган юриш сингари
Ҳаётда инсонни, шоҳни шахматда
Бошлар маглубият алами сари.

Шахматда ҳар тош ўз йўлида сабит,
Ҳар сўзнинг ўз ўрни бордир ҳаётда.
Пиёда забт этган маррани гоҳи
Эгаллаб бўлмайди сипоҳда, отда.

Аммо бунда ҳамма бир мақсад қули,
Кураш байробини кўтарар баланд.
Шоҳнинг доим узун бўлсин деб қўли
Фарзин teng жаҳд этар пиёда билан.

...Яшайман, бўлсин деб баҳтинг зиёда,
Сени шарафламоқ ҳаққимдир зотан.
Ў, отажон юртим, мен бир пиёда,
Мен ёниб турган бир сўзингман, Ватан!



ТУМАНЛИ ДАРА

Куюқ туман титрар дарада,
Куюқ туман бамисли денгиз.
Чүмилади дараҳтлар яйраб,
Сочларини ёйиб гүё қиз.

Тошлар марваридлик умрини кечар,
Йүлларга нур сочиб ётар ялтираб.
Гуллар туманларни сут каби ичар,
Чақалоқлар каби үсар гуркираб.

Куюқ туман титрар дарада,
Куюқ туман денгиз тимсоли.
Сузиб юрар уйлар, одамлар
Сув остида кема мисоли.

Қир устида отим безовта сакрап,
Титрар вужудида денгиз салқини.
Сағрисида қамчим чақындең чақнар,
Юзларимни ювар денгиз тұлқини.

Куюқ туман күкка йүл олар,
Эриб борар фируза денгиз.
Юракларда нашъаси қолар,
Күкатларда сон минг кумуш из...

Чинни каби жаранглар ҳаво!

1981



БЕКАТЛАР

Үқдай учиб борар ҳаёт поезди,
Замонлар ўзгадир, суръат ҳам ўзга.
Томирларда ёнар ўт-оташ қонлар,
Бекатлар нур каби урилар қўзга.

Кимдир китоб ўқир,
Мудрайди кимдир,
Кимдир шеригини гапга солади.
Қоп-қора шарпадек судралиб кимдир
Фийбат бекатида тушиб қолади.

Бир бола эргашар унинг ортидан,
Миямга уради қоним гупуриб:
«Болажон, бу сенинг бекатинг эмас,
Қайт!», дейман йўлида кўндаланг туриб.

Меҳнат бекатида зийнат бўлакча,
Чаноқлар порлайди чироқлар мисол.
Ўн бир фарзандини чорлар йўлакка
Ялангқат яктакли, дўппили бир чол.

Қўшиқлар ёнади юлдузлар каби,
Гоҳи шўх, гоҳ ҳазин янграр наволар.
Фақат кутиб олар севги бекати
Ва армон бекати кузатиб қолар.

Не қизиқ, қизиқдир фалакнинг иши
Кошкийди, кўрганим бўлса афсона.
Имон бекатидан чиққан бир киши
Бўхтон бекатига бўлар равона.

Йұл азоби оғир.
Үйлайман босим,
Йүлдан озмаслиқка сабрим етарми?
Мол-дунё бекати үтилгач босиб,
Бұшаб қолар гавжум вагоннинг ярми.

Бекатнинг сұнгиси – умр аро қутб,
Биродар, толсаму зүр келса уйқу.
Үтінчим, бир оғиз огох қилиб қўй,
Виждон бекатидан кетмайин үтиб!

1981

* * *

Бу қандай рўй берди,
Қай лаҳза,
У нима сўз эди бир оғиз?
Юрагимда чақнади ларза,
Тойиб кетди оёғимдан из.
Термуламан, кўзларим ўтмас,
Сен ёнимда эдинг-ку ҳозир.
Тишларимни ёрап ҳайқириқ,
Эшитилмас нечун овозим?
Сезим ожиз, сенми бу ёки
Куйилган тун кўксимдаги бош.
Ерда замин, кўкда осмон йўқ,
Куёш – совиб қолган қора тош.
Тўхта!
Қайрил, қўлларингни бер,
Багримга кир нурдай тўлғаниб.
Қайтиб келар оёғимга ер,
Сен «Севаман!» десанг бўлгани!

1983



ВАҚТ

Олим Бахтиёр Тұраевға

Вақт – инсондир, ҳар иккиси тент
Үтар, аммо келмагай қайтиб.
Мен ҳам бир Вақт – пок түйғуларнинг
Олча каби гулламоқ пайти.

Вақт танглиги ҳаётингда гар
Содир бұлса, эй дүсти надим,
Демак, бу мен етишмаётган,
Бу мен ёрдам құлин чўзмадим.

Не саодат, күнгил боғига
Саратонда сувдек нақд бўлиб,
Оқиб кирмоқ зарур чогида
Энг муҳим, энг керак Вақт бўлиб.

Беҳудадир, ўйлаким бари –
Магар баланд турса имкондан.
Неки эрур вақтдан ташқари,
Ташқарида эрур инсондан.

...Эшигингни очгил, гўзалим,
Остонангда турибман хушбахт.
Кетганимча йўқ ўтиб ҳали,
Бу – мен ўша сен қидирган Вақт.
Вақт – инсондир!

1984



БОЛАЛИК

Совиёттан лахча чүгдек қизариб тоғ-тош,
Ётөнгө аста құяр экан бош,

Муздек қишлоқ ҳавосидан сипқардим түйиб,
Димоғимда анқиб кетди олмалар бүйи.

Тупроқ йүлда бир болага келдим рұпара,
Тут ёнида бегонадек туарди қараб.

Мезбонлигин унұтмади, ҳарқалай, секин
«Ассалом!» деб бошдан оёқ кузатди лекин.

Ростин айтсам, мен ҳам үни таниганим йүқ,
Лекин жуда таниш эди күзидаги чүр.

Билмам, кимга үхшаб кетар митти сиёғи,
Лекин таниш эди чанг-чунг яланг оёғи.

Сұрамоққа тилим бормай боқардим маңзун,
Таниш эди юзидаги үйчан табассум.

Рұпарамда бамисоли тирик хотира,
Болалигим туар әди гүё ётсираб.

...Мени чоллар танир бунда, кампирлар танир,
Мени йүллар танир бунда ҳам қирлар танир.

Узумзорлар танир, ёнғоқ, тераклар танир,
Бир кунига мендай одам қераклар танир.

Дүстим, дея қучоқ очар душманим кулиб,
Ҳар пучмоқда савдо қиласиримни билиб.

Сизни яхши биламан дер танимаган ҳам,
Зарур пайти иш битирар менинг номимдан.

Ҳамма танир, танимайди шу бола фақат,
Кўкрагида бир куч тепар одил, бешафқат.

Қўзларимга ўйчан боқиб дош этаверар,
Борлигининг ўзи мени фош этаверар.

У мен қилган хатоларни ўтажак четлаб,
Ҳақ сўзини рақибига айтолур бетлаб.

У севганда, юрак-бағри қон бўлиб севар,
Бағри ер бўлиб, кўкси осмон бўлиб севар.

У севганда, ичганларим ёвфонга чиқар,
Куйдим-ёндим деганларим ёлгонга чиқар.

Дўст тутдим мен баъзан фақат мансабдорларни,
У дўст тутар юрагида ўти борларни.

У онасин қишлоғига кетолмас ташлаб,
Кетган куни қайтиб келар юрагин ёшлаб.

Яхши кимдир, ёмон кимдир, билмадим мен гоҳ,
Пок одамни назаримга илмадим мен гоҳ.

Гоҳ ҳақ қолиб, қўллаб келдим ноҳақ одамни,
Ёрқин чироқ дея билдим милтироқ шамни.

Қалбигамас, боқдим баъзан дастурхонига,
Ёлгон, аммо мақтов сўзлар сўзладим нега?

О, болажон, болалигим, ай қалби ёқут,
Сен буларнинг барчасини хотирингда тут.

Улгаюрсан, қисматингда бордир бир касб,
Ким бўлмагил, чин инсонлик айласин насиб.

Шоир бўлсанг, шоирликнинг айтай маънисин,
Бешикдаги гўдақлар ҳам сутдай танисин!



КҮХНА НАҚЛ

Бири отда, бири пиёда
Икки ҳамроҳ чиқдилар йўлга.
Йул юргандан юриб зиёда
Дуч келдилар чатнаган чўлга.

Тарс-тарс ёриб ёбон тошини
Куёш кўқдан олов сел қуйди.
Офтоб урди отлиқ бошини,
Пиёданинг оёғи қуйди.

Бир нақл бу, хотирингда тут,
Сўз сараси ақлга яроғ:
От минганинг оёқлари бут,
Пиёданинг эса боши соғ.

Бу қанча рост, кечирган билар.
Аммо қолмиш шундай ифода:
Отлиқ бошин эҳтиёт қилар,
Оёғини асрар пиёда!

1985



ЁМФИР СУВИ

Туркум

Тун.

Ёмғир шовуллар,

Шамол тентирап,

Тарақлад очилар эшик ногаҳон,

Хонага ёприлар ёмғир салқини.

Қордек оқ күйлакли бўлиқ бир жувон

Остонада ўйчан термулиб турар.

Сирли оҳанглардан энтикар қалби,

Шамол соchlарини тортқилаб қочар,

Шаффофф томчиларни юзига сочар,

Ҳилпирап кўйлаги оқ ёлқин каби,

Жунжикиб оҳиста кирар ётоқقا.

Кўксини тўлдириб ёмғир навоси

Кўз очару жонбахш сезгидан эри

Сингиб кетар муздек бағрига эриб,

Май каби симириб баҳор ҳавосин.

Тун.

Ёмғир шовуллар,

Шамол энтикар...

* * *

Туёқ излари ёмғир сувига тўлди,

Ўтлоққа тўкилди ой синиқлари.

Толғин тонгга қадар давомли бўлди

Айғиру биянинг шўх қилиқлари.

Ҳаво бўйсара қиз лабидек ширин,

Ҳаловат ёйилди борлиққа жимжит.

Бостирма ёнида юлқиб занжирин
Ойга хониш қилди баҳайбат бир ит...

* * *

Ярим тунда чүчиб уйғондим бехос,
Күрдим, бино бўлмиш еру кўк аро
Кумуш тўр тортилган бир хонаи хос.
Осмон ерни қиздек қучиб ётарди,
Шивирларди суйиб, эркала, кулиб
Тонгда хушбўй гуллар туғилди сархил,
Осмон сингари пок,
Ер каби сулув.

...Бир қиз мақдамидан ёшарди ёш боғ,
Ёш боғ ифорларга кўмди ҳавони.
Қиз туйди, керакдир сир очар ўртоқ,
Сезди сийнасида сархуш уйғониш...

* * *

Яланѓбош югурдим ёмғирдан қочиб,
Мендан илгарироқ эшикни очиб
Ичкарига урди ўзини шамол.

Хоналарни кезиб чиқди-ю бир-бир
Ўз тилида сўзлай бошлади фир-фир
Тувакдаги гулни кўргани ҳамон.

Менинг борлигимни ё пайқади гул,
Алланечук бўлиб бош чайқади гул,
Эшикка йўналди айғоқчи шамол.

Баҳор келғанини, ким билсин, йўқлаб,
Деразадан чаппар ёғдирди ўқлар,
Давом этди бутун тун бўйи қамал.

Тонгда бοғ, күчада минг қүёш ёнди,
Күшлар гул бүғзида наво уйғонди,
Уфқлар ортида совиди шамол.

Олмоскүз исирға тақди тонгда гул,
Чүғдай құлларини узатиб масъул
Юзлари чарақлаб жилмайди Ҳамал!

* * *

Сени севишимни шамолга айтдим,
Шамол дараҳтларга етказди уни,—
Яланғоч шохларда куртаклар бүртди.

Сенға хоҳишимни сувларга айтдим,
Сувлар гулбоғларга етказди уни,—
Гуллар уялибми қизариб кетди...

* * *

Тошли жойда оққан сув
Сайраб, шарқираб оқар.
Тошларни пичоқлардек
Қайраб, арқираб оқар.

Тошли жойда оққан сув
Тошларни миниб оқар.
Тұполонли оқса ҳам
Ёмғирдек тиниқ оқар!

* * *

Аҳли эхтиёж мудом
Эр ҳимматидан шариф.
Тұғрилиги учун ҳам
Игнага әргашар ип.

Зеро, ҳақиқат абад
Ҳаракатда билинур.
Бағри қора... шу сабаб
Булутдан қочар ёмғир.

* * *

Ярим тунда күз очсам
Ёнимда ётибди Ой.
Сочлари – нур ёмғири,
Юзлари – тиниқ ширмой.

Томиримда қон эмас,
Гурас-гурас оқди нур.
Ойга қаранг... юзида
Бұса изи күринур!

* * *

Менга доим шундай туюлар:
Юрагимнинг гулбоғлариға
Умр ёмғир каби қуйилар.

Томирларим тезоб шаршара,
Хаёт суви оқар шарқыраб
Ва қүшиқлар күйлайди сара.

Қүшиқ учар күнглимга сигмай, –
Лабларимда жаранглаб кетар
Марваридлар сочилганидай.

Биллур ёмғир қуйилар муқим...
Фикрим ғуллар олча мисоли,
Борган сари ёришар руҳим.

Аммо уйқум йүқдир тунлари,
Ох, бир куни тинар-ку ёмғир,
Сұлмасмикан орзум гуллари?!

1977–1994



ЙҮҚОЛМАС

Йиллар этагидан түкилган гавҳар,
Сарбон адашмаса, карвон йўқолмас.
Ўғлон эътиқоди бут эса магар,
Аллоҳ даргоҳига нарвон йўқолмас.

Бу дониш ҳаётнинг умматлари кўп,
Собир султонига ҳимматлари кўп.
Бошинг омон бўлса, ҳикматлари кўп,
То офтоб бор экан найсон йўқолмас.

Росту ёлгон асли руҳ мусаввири,
Бири ота бўлса, онадир бири.
Ростнинг от ўйнатиб турганин кўриб,
Ёлғон йўқолади ёлғон, йўқолмас.

Мардлар келаверар кетаверади,
Номард ҳам мардман деб ўтаверади.
Эл бир Алномиши кутаверади,
Замонлар ўзгарар, майдон йўқолмас.

То бирон гўшада шеърга жон ато,
Бир мисра ўқилур Навоийдан то,
Тошкент – Шарқ гавҳари, Самарқанд якто,
Бухоро йитмагай, Қўқон йўқолмас.

Бошингга не келса келар феълингдан,
Саъдулло кетмасин имкон қўлингдан,
Сўзингга кушойиш изла элингдан,
Элим деб эмранган забон йўқолмас!



ЕЗ ОҚШОМИ

Ой бұзарыб ботаётган
Ез оқшоми ичидә,
Аёл ёқди атлас гулхан
Шундоқ оёқ учидә.

Шошиб узди құлин бирдан,
Күйдирғандек түйилди. –
Чорпоядан оқиб гулхан
Олмазорға қүйилди.

Тоғ тарафдан эсди шамол,
Гулхан бағри очилди.
Учқунлари маржон-маржон
Күк тоқига сочилди.

Шивир-шивир сир айтишиб
Ёш олмалар гүянда,
Лўппи-лўппи сийналарин
Тобладилар гулханда.

Кучди йигит исинай деб
Гулдек аёл танини:
Шаъни билан меҳрини-ю,
Меҳри билан шаънини.

...Ой бұзарыб ботаётган
Ез оқшоми ичидә,
Аёл ёқди атлас гулхан
Шундоқ оёқ учидә.



ШАРХИ ҲОЛ

Очса юрак күзини
Күнглига нам келарми?
Хар бандаси ўзининг
Кимлигини биларми?

Ўй босар такрор-такрор
Мен асли ўзи кимман?
Эл мудраганда бедор,
Ҳайқирса нечук жимман?

Наҳот менинг исёним
Дилимда қотиб қолган,
Шеърлар битганим ёниб
Наҳотки бари ёлғон?

Мен деган нечасидан
Кўрдим изтироб, жафо.
Ёмонлик кўчасидан
Лекин ўтмадим асло.

На дўқ, на озорим бор,
Мен бир яхши одамман.
Кўксимда мозорим бор,
Ҳиддатларим яшинган.

Биламанки, йўлга бир
Чиқсан ортга қайтмасман.
Айтмасман хор бўлдим деб,
Зўр бўлдим деб айтмасман.

...Кимману шу ҳолимга
Бунчалар севар ул ёр.
Ишқи ила қонимга
Куяр илохий шарор.

Юксакларга солар из
Самога тараалган йүл:
Минглар ичра бүл ёлғиз,
Ёлгизлар ичра минг бүл.

Үшал йүл қошида зор,
Афгорману ҳеч кимман.
Гуноҳкордан гуноҳкор
Саъди оллоҳ Ҳакимман...

1991

ТАНДИР

Балки пишитғандир лойини шоир,
Балки шундан элга манзурлик сири.
Юртга нон улашиб сўлқилдоқ, ширин,
Ўзига бир уюм кул қолар охир...

НАЙ

— Оҳангларинг мунглар наҳрими,
Най, бунчалар маъюссан, нега?
— Айтолмаган ҳасратларини
Сўзлашади одамлар менга!

ДАРАХТ

Фикримни ростлайман дарахтга қараб,
Қалбим армон тўла орзуга тўлар.
Кулганида қийғос кулади дарахт,
Дарахт ўлганда ҳам тик туриб ўлар!



АЛЁР

Шамол-шамол оққан, эй булут,
Гавҳар бўлиб ёққан, эй булут,
Лолаларни боққан, эй булут,
Гул яшнади дил, яйради кўз,
Алёр энди, аллаёр Наврӯз.

Офтоб – чироқ, дунё – хонадон,
Башар бир отаю онадан.
Эй хур инсон – олмос донадан,
Гул яшнади дил, яйради кўз,
Алёр энди, аллаёр Наврӯз.

Ўн икки ҳур ситора той-той,
Туғди қуёш, туғди ярим ой.
Ки, Озодлик қўргазди чирой,
Гул яшнади дил, яйради кўз,
Алёр энди, аллаёр Наврӯз.

Наврӯз, олов кўклам сенингдур,
Неки азал қўркам сенингдур,
Ўзбекистон ўлкам сенингдур,
Гул яшнади дил, яйради кўз,
Алёр энди, аллаёр Наврӯз.

1991



УЗУМ ТАЪРИФИДА

Асл узум ҳар донаси
Қанду асалнинг онаси.
Бир бош узум еган тўйиб,
Ёр сочин ислар тун бўйи.

— Воҳ, қани узум?
— Оҳ, мана узум.
— Қўша-қўша олинг,
Жуфт-жуфт солинг.

Чилги гўё қаҳрабо зар,
Ток зангини нурдай безар.
Тенгига топсам сўзгина,
Эрта етилган қизгина.

— Воҳ, қани узум?
— Оҳ, мана узум.
— Қўша-қўша олинг,
Жуфт-жуфт солинг.

Шивиргони қуралай кўз,
Барг остидан мўралайди.
Териб есам бирин-бирин,
Ёр лабидек ширин-ширин.

— Воҳ, қани узум?
— Оҳ, мана узум.
— Қўша-қўша олинг,
Жуфт-жуфт солинг.

Хусайни ҳуснини кўриб,
Чумолилар чиқар ўриб.
Күшлар келар гала-гала
Бир муччига жон бергали.

- Воҳ, қани узум?
- Оҳ, мана узум.
- Қўша-қўша олинг,
Жуфт-жуфт солинг.

Шифтга тизиб осган эдим.
Тоифини қишида едим.
Қишимни ёз қилди қишин,
Ёргинам ноз қилди қишин.

- Воҳ, қани узум?
- Оҳ, мана узум.
- Қўша-қўша олинг,
Жуфт-жуфт солинг.

1991



ТАВАЛЛО

Ҳаётдан мурод не, қотди бу бошим,
Билдиму, ёронлар, била олмадим.
Кулдиму күзимдан тирқираб ёшим
Осмондек ҳайқириб кула олмадим.

Талпинган илоҳам шунчалар узоқ,
Бағримга беркингандар кунчалар узоқ.
Сирлашсам сир тұла фунчалар узоқ,
Югурдим, жойимдан жила олмадим.

Үсдим, паноҳ бұлди бошимга бир Гул,
Муштипар, настарин онажоним ул.
Сұнг ҳүшим олдию соchlари сунбул,
Кетдим, Гул бағрида қола олмадим.

Орзу ҳавасларнинг изилдән чопдим,
Бирини йўқотиб, бирини топдим.
Шарҳи дилим битсам күдна китобдир,
Кўнглимни бир изга сола олмадим.

Вужуд кўза экан, илм – оби нур,
Ўтмишга умтилсам сел бўлиб ёғур.
Ваҳ, бу не синоат, ваҳ, бу қандай сир,
Чалқиб тўкилдиму тўла олмадим.

Манзил оша-оша Саъди олломан,
Дарди қўша-қўша Саъди олломан.
Ҳамон ўша-ўша Саъди олломан,
Ўзимдан ўзгача бўла олмадим...

1992



БУ БОҒ

Бу боғ абадийдир, ҳар яшил япроқ
Илоҳий чашмадан сафолар ичар.
Изтироб уйида дард ёққан чироқ
Шифо эпкинида парпираб учар.

Тақдир шамоллари бу тоза боғни
Заъфар хазонлардан айлагай фориғ.
Сориғ яшил бўлур ҳидоят чоғи,
Неки зумураддир оқибат сориғ.

Фақат тафаккурнинг учмас излари,
Теран туйғулардан кўнгил музайян.
Бизни азиз қиласар изҳор сўзлари
Ва айтилмай қолган калималар ҳам!

1994



АФАНДИ

Бир шоир бўлар эди,
Тарвуздек қорин қўйган.
Афанди кўриб деди:
— Бу сўзга роса тўйган.

Бир шоир бўлар эди,
Рангпар, ҳаётдан толган.
Афанди кўриб деди:
— Бунга сўз етмай қолган.

Дарвоқе, шоир сероб,
Ёзар кеча-кундузи.
Сўз кўпу қанчасининг
Йўқ биргина ўз сўзи.

Чиндан сўз етмай қолса,
Роса қойил бўларди.
Ҳар шоир ўз сўзини
Топса шоир бўларди!

1994



ЖИЗЗАХИМ

Баланд тоғлар күкка урап,
Жайрон чопиб үйнаб юрар.
Юртим, сени соғинганда
Тушларимга жайрон кирап,
Жиззахим.

Сангзор дарё уриб чаппар,
Сен томонга оқар чаппа.
Боғларнинг бол косалари
Жимиrlайди чиппа-чиппа,
Жиззахим.

Қизлари майиздаккина,
Жувонлари қиздаккина.
Мингига олисдан ошиқ
Девона йўқ биздаккина,
Жиззахим.

Амир Темур дарвозаси,
Элга аён овозаси.
Тарихинг тоф каби юксак,
Янграп фурур, шонлар саси,
Жиззахим.

Қорга ювиб кўкрагини
Кумда пойи пишган замин.
Фаллаорол, Фориш ўзинг,
Бахмал ўзинг, ўзинг Зомин,
Жиззахим.

Икки ёнингда құшқанот
Туркистану Нурота тоғ.
Тошкан йўли – қуш қуйруги,
Парвозга шай Хумо сиёқ,
Жиззахим.

1995

ГУЛ

Табиатнинг ҳикмати гул
Ҳаётимнинг ҳикматидир:
Гулларингни яширмагил,
Илдизингни сақла сир!

СҮЗ

Сўз – бу боғда етилган ҳосил,
Ҳар ким олар керагин териб.
Аччиғини ўзи ер оқил
Бошқаларга ширигин бераб.

ЮРАК

Юрагинг умрингдир, ором билмайди,
Оғриса оғрисин, қилмагил ҳасрат.
Неки ёниб яшар – асраб бўлмайди,
Неки табиийдур – бўлмайди асраб!



ЯНГИ ЗАМОН ШУКУХИ

Кезсам наҳор ё мавриди шом
Гавжум пойтахт күчаларида,
Чугур-чугур ажнабий калом
Эшитаман нечаларидан.

Шунда ногоҳ ёдимга тушар:
Бундан неча йиллар муқаддам
Меҳмон ҳабаш йигитни ўша
Кузатганим қадам-бақадам.

Бугун бошқа ҳаёт. Тунов кун
Бир даврада ўтиrsa япон,
Қўзи қиймоч бўлгани учун
Қўшработдан келганми дебман.

Худди шундоқ, икки инглиз
Лутф айласа бир-бирин «сиз»лаб,
Марғилондан кетган-ов, дейсиз,
Бир замонлар уммонни излаб.

Бўлди ажиб хур замон шафе,
Йўллар очиқ қайга бурма юз.
Ўзбек иchar Парижда кофе,
Тошкентда чой ҳўплар француз.

Ванкувердан келиб яқинда
Меҳмон бўлди бир ҳафта Жеймс.
Саҳар чоғи уйғотдим алқаб,
Етакладим: «Юр, палов еймиз!».

Ү, ўзбегим тўй-томушаси,
Оlam аро довруқ қозонган.
Оттиради тонгни ҳам барвақт,
Қуёш чиқиб келар қозондан.

Эл-улус жам. Ёшлар хизматда,
Иzzатладир аҳли дониши.
Ҳаммасидан ёқди Жеймсга
Чорпояда ҳофиз хониши.

Мудрагандек ўтириди элиб,
Дедим яйраб: «Чиндан ҳам зўр-а!
Садқа кетсин минг бир андалиб,
Буни мақом дейдилар, жўра!

Қани ошга! Эҳ, нега, афсус...»
Такрор таклиф қилмай неча ман,
Иймангандек жилмаяр Жеймс:
«Мен эрталаб кофе ичаман...»

Тушунаман, дейман, гар одам
Бир одатга ўрганса қийин.
Ҳазми таом учун ичамиз
Биз кофени... овқатдан кейин.

Эҳ, у билмас, ҳаёт қандай соз,
Яшагандан яшагинг келар.
Ёринг қилар кечалари ноз,
Тонгда палов ошагинг келар!

1997



МАНСУБЛИК

Баногоҳ чүққидан
қуласа бир тош
Тоғ пойига тушар, тоғни тарк этмас.
Эт билан тирноқдек
бир жону бир тан,
Ватандан яралган Ватандан кетмас.

Күёшга интилган
ҳавойи буғлар
Баланд парвозларни қилса ҳам ҳавас,
Бир кун қайтиб келар
үкириб-йиглаб,
Ватандан яралган Ватандан кетмас.

Шашмақом – минг йиллик
наво муаттар,
Очсам кўкайимни янграр қадим сас.
Авлодлар туғилар,
аждодлар ўтар,
Ватандан яралган Ватандан кетмас.

Улуғлар юксалар
ер остида ҳам,
Ҳайкал бўлиб ўсар, эли унутмас.
Шаҳидлар боғидан
куйлаб ўтаман,
Ватандан яралган Ватандан кетмас.

Тошдан учган учқун
ялт этиб ўчар,
Ўчган чўғ қайта ўз ҳолига келмас.
Чопонинг силкисанг
ғубори кўчар,
Ватандан тўкилган Ватандан эмас!

2000

ДАРЁНИНГ ИККИ ЮЗИ

Инсон бир, аммо сўзи бошқа-бошқа,
Феълию қошу кўзи бошқа-бошқа.
Кўш қирғоқ бир дарёдан сув ичса ҳам
Дарёнинг икки юзи бошқа-бошқа.

ЎРМОНЧИЛАР

Ўрмончилар ҳақида ҳангомага бу бир гап,
Кўрган-эшитган ҳайрон: ўрмончилар нетдилар?
Эгри-буғри қайрағоч соясида соялаб,
Тұғри ўсган теракни шартта кесиб кетдилар!

ЭҲТИРОС

Бағрим яшнар.
Юрагим илиб,
Қалбимда шеър гул каби битар.
Қалам гүё оловнинг тили,
Бармоқларим ловуллаб кетар!



ТУНГИ ТАХАЙЮЛ

Чайқалади қора уммон, чайқалади...
Қароқчи тун сепивориб олтин ушоқ,
Ёяр уммон тубигача тилло тузоқ.
Чайқалади қора уммон, чайқалади...

Сув париси сочларини ёйиб ётар
Боғ ичида. Боғ шундайин бойиб ётар.
Гоҳ юзида, гоҳ белида үйнайди нур,
Доғ ичида гафлат босиб бойи ётар.

Чайқалади қора уммон, чайқалади...

Шамол-шамол оч тўлқинлар устин очар,
Ҳилол-ҳилол сийналарин ўпиб қочар.
Машшаталаб олмаларни кетар тўкиб,
Тўр ташлаган қароқчини сўкиб-сўкиб.

Чайқалади қора уммон, чайқалади...

Ухлаш мумкин наҳот шундай бехавотир,
Уйғонсанг-чи, уйғон, ахир, уйғон, ботир!
Faфлатни қув, бир чорасин топгил, уни
Асра жону танинг ила ёпгил уни.

Чайқалади қора уммон, чайқалади...

...Уйғонаман, ҳар тарафда нур тошқини,
Кўзим тинар излаб қора қароқчини.
Бунча сени қизғанмасам, менга қара,
Ёрим, сенинг кўзинг нега бунча қора?

Чайқалади қора уммон, чайқалади...



БОЛАЛИК ЁДИ

Ёз фасли. Пешин чоги,
Хуш ифор. Ҳаво новвот.
Пахса девор ёқалаб
Етаклаб бораман от.

Баланд-баландда түрғай,
Қуёш түрқовоқ гүё.
Түрғайнинг тумшуғидан
Таралар жаранг наво.

Тор күчани түлдириб
Оқади олма иси.
Олмазордан күчага
Тўкилар қиз кулгуси.

Тирмашаман деворга
От қўяр елкасини.
Олмасини ислайман
Боғбоннинг эркасини.

Ногоҳ сергак боғбон чол
Боғ тинчини бузади.
Қарсиллатиб шийпонда
Оғзидан ўқ узади.

Сакрайман девор оша
Елкасин тутар йўрга.
Қуёш ичимда ёнар,
Кўксимда сайрар түрғай.

... Қамчи босаман отга,
Қайтаман завққа тұлиб.
Юрагим бўлиб икки,
Оёғим олти бўлиб.

1999

МУСОФИЯТ ТАРАФАЙН

Отанг – ёмғир, онанг – гулбоғ,
Ёмғир ёғар гулбоғ аро.
Онанг – гулбоғ, үзинг – гулсан,
Гулбоғ аро гулсан сара.

ЭЙ РАФИҚ

Эй рафиқ,
Бунингдек нокаслик нечун,
Паст кетма, баланд тур, айтай бир қиёс.
Макони юксакда бўлгани учун
Барчага баробар нур сочар қуёш!

ЭПИГРАММА

– Наҳотки ўзгарган бўлса аҳду ком,
Тириклар күшоду ўликлар бадном?
– Нишон кўрсатдию шараф инъоми
Расуллик даъвосин айлади гулом.



БОЛА БОТИР

Шеър қандай ёзилади? Бу саволга аниқ бир жавоб бериш қийин. Фақат шуни аниқ айтиш мумкин: шеър кайфият таъсирида дунёга келади. У хурсандчилик бўлиши мумкин, изтироб бўлиши мумкин. Шеър – кўнгил безовталиги маҳсули. Шоирлик – бу кўнгли сезгирилик. Шеърни шеър қилувчи омиллар эса талайгина. Мен айтмасам ҳам улар шеър аҳлига яхши маълум. Шу билан бирга унда маълум маънода сир, ғайритабиийлик бўлиши керак. Ҳар бир шеърга, албатта, нимадир туртки беради. Шуниси қизиққи, баъзан турли даврларда бўлган воқеалар, кузатувлар, ҳиссиятлар, ҳеч кутилмаганда, ажиб бир тарзда қовушиб, яхлит бир манзара, композиция ҳосил қилиши ҳам мумкин. «Бола ботир» мен учун шундай шеърлардан.

* * *

Баҳор ўрталарида Гарашанинг тоққа туташ, катта-кичик харсанглар чўнқайган қум-тошли томонларида ҳам, унинг этагидаги бўз тупроқли қир-адирларда ҳам минг хил гиёҳлар ял-ял очилиб яшнаб кетади. Хушбуй ҳавони симириб тўймайсан. Ҳар қадамда турли жониворларга дуч келасан. Тошбақалар ғимирлаб қолади. Юмронқозиқлар чопқиллаб юради. Паррандаю даррандалар, ҳашаротлар тиним билмайди.

Ўн бир яшар ўспирин эшак миниб қир оралаб ёлғизоёқ йўлдан илгарилаб бораяпти. Кутилмаганда ундан ўн-ўн беш қадам наридаги майсалар шитирлаб, чиройли тулки бош кўтаради. Бола аввал чўчиб тушади. Лекин тулки катта одамлар билан рўбарў келгандагилек урра қочиб қолмайди. Боладан чамаси йигирма метрлар узоқликда чиройли, узун думларини ўйнатиб, гоҳ олдинга, гоҳ орқага қараб ўмбалоқ ошади. Эшакли бола яқинроқ келганда яна узоқроққа югуриб кетиб, бояги қилиқларини такрорлади.

Боланинг қизиқиши ошиб эшагини тезлатади. Буни сезган тулки ўтлар орасида думалаб бир зумда кўздан фойиб бўлади. У болалар билан ана шундай ўйнашишни хуш кўради. Тулки ёш болага дуч келса қитиқлаб ўйнашишни ёқтиради, деган гаплар ҳам юради одамлар орасида. Одамга тегинмайди. Ҳашаротлар, зааркунандалар — сичқон, юмронқозиқ овлаиди. Товуқларни ёқтиради.

* * *

Болалигимда эшитганман. Бир йигит ёзнинг иссиғида, қоқ туш пайти хилват қир оралаб кетиб бораётса, жар ёқасидаги қоратош ёнида қип яланғоч аёлни кўриб қолади. У ниҳоятда келишган бўлиб, тилларанг соchlари сочилиб, деярли бутун қоматини ёпиб турарди. У соchlарини силаб, ишва қилади. Йигит қулогига «Хой йигит, бери кел!» деган овоз чалингандай бўлади. Йигит қўрқиб, олазарак бўлиб, бор овозича бақириб юборади. Кўзларига ишонмай яна қарайди. Аммо бояги жойда ҳеч ким кўринмайди. У дир-дир титраб уйига келганда, оғзи қийшайиб қолади. Парига дуч келиб қўрқиб кетганидан шундай бўлиб қолган, дейишарди одамлар.

* * *

Ой тўлишган пайларда қиру адирлар кечалари ҳам кундуздек чарофон бўлиб кетади. Ойбетгай томонлар ярқираб, терскай жойлар фира-шира қоронгулик ичидаги ажиг бир сирли, афсонавий, хийла хавотирли тус олади. Чигирткалар чирилдоғи оламни тутади. Аллақандай қушлар дапқир-дапқир сайраб қолади. Қаердадир бўлиқ ўтлар шитирлайди, нимадир «гурс» этиб йиқилиб тушгандай бўлади. Қуйилиб ёмғир ёққандек ой нури оқади. Ерда оппоқ булутдек ёйилиб ётган шувоқзордан таралган тахир ва ёқимли ис димоқларни қитиқлайди. Чинданам сирли-синоатли кеча.

Отлиқ йўловчи ўт босган тупроқ йўлдан дупур-дупур жадал интилади. Ойбеткай қирдаги қуврайзорга кўзи тушгач, сесканиб кетади. Ёпирай, бу не мўжиза?! Қуврайзор ичидаги қадди-қомати келишган сулув бир жувон солланиб турибди. Ой нуридай ёғилган, тўпигига тушган соchlарини силаб-

сийпалайди. Бу қандай жувон? Ярим кечада бу ерларда ярим-яланғоч нима қилиб юрибди? Йўловчи ўз кўзларига ишонмайди. Кўзлари адашади. Тикилиб қарайди. Жувоннинг қиёфаси ўзгаради. Яқинроқ келган йўловчининг ҳайрати янам ошади: сарғиши-қўнғир думларини чиройли ўйнатиб турган тулкини кўради...

Шундай кечада ўша йўллардан мен ҳам от миниб ўтганман. Юқоридаги воқеани эшитганим боис қирдан нигоҳимни узмай отни қичаб ўтганман. Лекин у парини кўрмаганман.

* * *

Қиши охирлаб қолган кунлар. Қор эриб ерлар юмшаган. Кечкуунлари ер яхлаб, қатқалоқ бўлиб қолган пайтлар. У замонларда қишлоғимизда токчироқ(электр) бўлмаган. Шу боис ҳамма уйда ҳам чироқ ёқилавермас, уйқуга ётгунча бутун оила бир уйда битта чироқ остида, сандал атрофида гурунглашиб ўтириларди. Биз ёшлар туннинг бир маҳали оғилхонадаги мол-ҳолдан хабар олиб, ем-хашак бериб келардик. Ўшанда мен оғилхонадан чиқаётганимда аввалига майнин ёға бошлаган ёмғир бир оз кучайиб, шитир-шитир авжига чиққан эди. Уй томон юриб, чироқ нуридан ёришиб турган ластак дераза ёруғида кимдир ичкарига қулоқ тутиб турганини кўриб қолдим. Аввалига ажабландим. Ўгрими деган хаёлга бордим. Сездирмай яқинлашиб ҳайратга тушдим. Чиройли бир тулки деразага қулоқ тутиб, ичкаридан эшитилаётган ғўнғир-ғўнғир овозларни худди гап пойлаган одамдек тинглар эди. Яқин боришга ҳаддим сифмади-ю «Ҳайт!!!» дея қарсак чалдим. Тулки шу заҳоти шаритта қайрилди-ю, ўқдай отилиб, одамбўйи девордан осонгина сакраб кўздан фойиб бўлди.

Воқеани уйдагиларга гапириб берувдим, «Курғур тулкилар худди тилни биладигандек гап пойлайди. Буни сири нимада билмадигу, лекин тулкиларнинг шундай фалати одати бор», дейишиди.

* * *

Буларнинг бари олис болаликда бўлиб ўтган. Дала-даштга ўзгача чирой бахш этувчи ойдин кечаларни яхши кўрганим учун уларни аҳён-аҳён эслаб юрардим. Шу воқеа-

лар сабаб бўлибми, «Бола ботир» кўнглимда етилди. Тулкига айланган пари. Парига ошиқ бола. Ошиқлик туфайли тулкига айланган бола. Қурбақага айланган маликадай. Йигитта айланган шердай. Бу бўлиши мумкинми? Бу бизнинг то шу пайтгача англаған эътиқодларимизга қанчалик тўғри келади? Одам қиёфасидаги мана бу зот балки ростдан ҳам тулкидир. Тулки қиёфасидаги мана бу жонивор мўъжиза рўй бериб ростданам маликага айланиб қолса-чи?

Ёки бу ҳол ҳақиқатан чин ошиқлар қисматига хос сиру синоатми? Биз ўзи асли чин ошиқ деганда нимани тушунамиз? Ўзимиздан кеча оламизми? Ишқ учун қурбон бўла оламизми? Бу чиндан-да сирли. Эҳтимол ишқ ўзи ҳеч қачон ечилмайдиган буюк бир сирдир. Балки шунинг учун ҳам ҳамма бирдек унга интилади. Лекин етолмайди. Етганлар бормикан? Мажнун етганмиди? Фарҳод-чи? Феълимиздаги барча қусурлар бу улуғ мартабага етиша олмаётганимиз туфайли мавжуд эмасмикан?

* * *

Оlam-olam bўlib tirik
Necha asr, necha yil
Kўrmaganidi bunday tiniq,
Nur ёgilgan kechani.

Maiin ellar қанотида
Tўlqin-tўlqin oқap nur.
Chigirtkalap childirogi
Jaaran glaydi misli dур.

Mast қilgувчи shuvоқ isi
Dimoқlarни ёradi.
Bola Botir dala йўлда
Ot ўynatib boradi.

Hogoқ kўzi tushar, shundok
Йўл bўyida bir pari
Imo қilar, taқimini
Ўpib tillo sochlari.

Каптар сийна, чумоли бел,
Кўза қўймич, оқбадан.
Кўрсатса шу Лайли дея
Мажнун кечар саҳродан.

Чўмич-чўмич мой симирган
Бойбичанинг бой қизи.
Бу дунёдан эмас, чиндан
Асли ойнинг ой қизи.

Пишқирар от юрари-ю
Юрмасини билмайин.
Ҳайратидан хониш қиласар
Ойга қараб жилмайиб.

*
Отдан тушар Бола Ботир
Ой нурига осилиб.
Ойпарининг сийнасиға
Аста қўяр бошини.

Эҳтиросдан ихтиёри
Кетар тамом илкидан.
Тангачалик эҳсон тиласар
Нозаниннинг мулкидан.

«Бўлди, энди ўзингни тий,
Қўлингни торт, шўх йигит.
Мен тулкиман, бу ишни қўй,
Унут мени, бас, унут».

Ойпарининг нолишлари
Кулоғига кирмайди.
Қаҳ-қаҳ ураг Бола Ботир,
Аҳдидан юз бурмайди:

«Ҳийла қилиб аврама, бас,
Мендай йигит мардини.
Ишқ тимсоли бўлиб, ўзинг
Билмасмисан шартини.

Майли, агар тулки бўлсанг,
Мен ҳам тулки бўлайин.
Гул юзингдан фақат яна
Битта муччи олайн».

«Бола Ботир, ўзингдан кўр,
Ёш жонингга қасд қилдинг.
Мен тулкиман, ахир, мени
Нега мунча маст қилдинг?»

Битта бўлар еру осмон
Жону тан бир, руҳу қалб.
Ой булоги тошар ногоҳ
Шаршарадек шарқираб.

Сапчиб тушар эгасиз от
Билмай бу ҳол сирини.
Теграсида икки тулки
Кувлашар бир-бирини.

...Оlam-olam бўлиб тирик
Неча аср, неча йил
Кўрмаганди бундай тиник
Нур ёғилган кечани!

2000



АЁЛЛАР

Етти нарса суюк этар аёлни,
Биринчиси – қора рангнинг хублиги.
Қора сочу қора қошу қора күз,
Яна соз тим қора бўлса киприги.

Етти нарса суюк этар аёлни,
Иккинчиси – оқ ранг уйғунроқ бўлса.
Сутдек бадан, садафдек тиш, пок чехра,
Яна яхши кўз оқи ҳам оқ бўлса.

Етти нарса суюк этар аёлни,
Учинчиси – қирмизи ранг жилоси.
Лаб олича, юз атиргул, тил қирмиз,
Яна яхши қирмиз бўлса либоси.

Етти нарса суюк этар аёлни,
Тўртинчиси – ушбулари эн бўлсин:
Пешонаси, юзи, кўзи, сийнаси,
Яна феъли, табиати кенг бўлсин.

Етти нарса суюк этар аёлни,
Бешинчиси – кичкиналик қаъдаси.
Оғзи, оёқ-кўли ҳамда миёни,
Яна яхши майдада бўлса қадами.

Етти нарса суюк этар аёлни,
Олтинчиси – бўлсин тоза, покдомон.
Дили, кўли яна рўзгор тутуми,
Этагига ит тегмасин ҳеч қачон.

Етти нарса суюк этар аёлни,
Еттинчиси – ширин бўлсин, шубҳасиз,
Дудогиу тили, тортган таоми,
Яна нозу фамзасию ишваси!

2000

БОЛАЛИК

Болалик,
Кўпкари.
Эсимдан чиқмас
Чоллардан бирининг айтган сўзлари:
– От мингандан ҳар киши чавандоз эмас,
Анди эмас эшак минганинг бари!

АЛДАРКЎСА

– Алдаркўса, нега алдайсан?
– Алдамасам яшай олмайман.
– Алдаркўса, нега ўлмайсан?
– Яшамасам алдай олмайман!

РОСТГЎЙЛИК

Ростгўйнинг душмани кўпdir ҳамиша,
Қасдига тушгани кўпdir ҳамиша.
Боғонга «Бекангиз сулув» деб эдим,
Боғдан қува солди қулида теша...



ЭЙ КҮНГИЛ

Нописанд босма хазон япрогини,
Бошинг узра эсла соя чоғини.

Тангри ҳукмиға азал бир чора йүқ,
Бандаси билмас келиб-кетмоғини.

Истаса бергай шифо bemорига,
Дард беріб солгай синовга соғини.

Умр ўтар дарё қаби қалқиб оқиб,
Айлагил тақдир насиб қирғоғини.

Раббано қодир ўзи, ғофир ўзи,
Хар нафас тортиб турар қармоғини.

Боқ, қүёшни қон этиб ҳар рўзи шом
На учун кўз-кўз этар ўроғини?

Билмаса меъерини офтоб ҳам
Кувратар боғи чаман ҳар ёғини.

Эй кўнгил, бул ҳодисот ибрат сенга,
Эл аро фасона эт келмоғини.

Олмоқ эрсанг бир ғариб кўнглини ол,
Айро этсанг, айро эт дил доғини.

Саъди оллога етар қирмочи ҳам,
Ёри жонга туҳфа қил қаймоғини.

Шон деса йўл олди деб Тошканни айт,
Шаън деса кўрсат Нурота тоғини!



САРАТОН

Тирнокдай губор йүк.
Осмон бир ёруғ,
Тонглар ичра отар сара тонг.
Күк гумбази гүё улкан сариқ том,
Ловуллайди фалак тоқида гулхан.
Тоблар, эритар қүёшни ёмби олтиндай,
Фалакка ўт қўяр Саратон.

Тошлар чатнар...
Тошлар сув остида балиқдай сузар.
Тап-тақир қолдириб бўз далаларни
Сув бўйига кўчар яшил майсалар,
Тераклар елпинар оёқда туриб.

Кетмон соясида мудрайди ғайрат,
Шийпонда ёнбошлаб ўй сурар дехқон.
Ҳаёти жилдираб эгатга оқар,
Саратон пиширас умидларини,
Фикрида нур чақнар.

Ниҳоят қип-қизил тилло ёмбини
Уфқа ботирав фалак гўлахи,
Борлиқ чуйкаб кетар...
Сачрайди фалакка эриган қүёш,
Балдоқдай товланар ярим бўлаги.
Ўрик шохларига томар,
Нафис ётоқларга тўкилар
Каҳрабо қүёш томчилари.

...Ер қизи таратиб мушку анбарлар
Эриниб уйғонар,
Малоҳат билан
Құш ёмбига ёпар ипак сийнабанд
Ва бир жуфт зарғалдоқ қүёш томчисин
Аста тақиб құяр қулоқларига...

2000

УСМОН НОСИР ВА ҰЗГАЛАР

Англамоқ шунчалар мушкулдириң наҳот
Қайда ёлғон зоҳир,
Қайда пайдо чин.
Тұғри йүл тик жарга дуч этиб тоҳо,
Әгри йүл чүққига әлтмоғи мумкин...

ШОҲИ ЖОН

Тола қочса чийирдан қил арқон ҳам узилгай,
Қуроқ сұзлар қовушса минг бир ҳикмат тузилгай.
Осмонлигим, шоҳи жон, сенинг заминлигингдан,
Дур бўлса ҳам тақинчоқ оддий ипга чизилгай!

ЕР ТАФТИ

Баҳор келиб-кетди күч-күрон билан,
Айтиб кетди абадият сирини.
Чапарас гуллади илдизи борлар,
Ердан узилганинг бари чириди.



ЎЗБЕКИСТОН

Сен онам, синглимсан, ёримсан азал.

Абдулла Орипов

Одам Атодан то бу кун
Чоптириб умр чобукин,
Асраган эл миллат юкин,
Отам, онам, ёрим, болам
Суйсам – наво, куйсам – нолам,
Жон Ватаним,
Жон ва таним
Ўзбекистон.

Бу йўлларда нор изи бор,
Ёмғир изи, қор изи бор.
Ўзбек изи, ор изи бор,
Отам, онам, ёрим, болам
Суйсам – наво, куйсам – нолам,
Сен Ватаним,
Жон ва таним
Ўзбекистон.

Ўзбек элим улкан чинор,
Тўқсон икки томири бор,
Шохларида юлдуз ёнар,
Отам, онам, ёрим, болам
Суйсам – наво, куйсам – нолам,
Жон Ватаним,
Жон ва таним
Ўзбекистон.

Саъдулонинг суйган сўзи,
Тириклида кўрар кўзи,
Аввал ўзи, азал ўзи –
Отам, онам, ёрим, болам

Сўйсам – наво, куйсам – нолам,
Жон Ватаним,
Жон ва таним
Ўзбекистон.

2001

ТАФАККУР

Текислаб тогу тош, тепа-тубанни,
Тўшақдек ташлади тақдир туманни.
Тайрлар тентиди, тинди, толиқди,
Тафаккур топди тўғри тўрт томонни.

КЎНГИЛ ЮЗИ

Кўнгил юзин кўз ичидан ахтаринг,
Кўклам изин куз ичидан ахтаринг.
Сўздан лиbos киймиш, изтиробдан тож,
Саъдуллони сўз ичидан ахтаринг!

ЖАННАТ

Кезсанг эшитасан, ҳар ёнда ҳикмат:
«Ёки у ёғидан, бу ёғидан ё.
Хотини яхшига бу дунё жаннат,
Хотини ёмонга нариги дунё!».



ОҚСАРОЙ

Манзума

1

Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,
Кундуз қуёш кўниб ўтар, тунда ой.

Чукур дарё қўрингандек сиртдан тинч,
Теграсида улуғвор бир сокинлик.

Ичкарида мамлакатнинг юраги
Элим, юртим дея ёниб уради.

Миллат дарди, юрт қайғуси, эл тинчи –
Шудир шараф унвонига элтувчи.

Тасодифан озор чекса эл агар,
Оқсаройни ўртаб ўтар энг аввал.

Кувонч қуши учса қай бир гўшадан,
Оқсаройга келиб қўнар ўша дам.

У Озодлик авлодига бошпана,
Дунёга йўл Оқсаройдан бошланар.

Остонасин йўқлаб келар, ҳар бобда
Жаҳон ичра донг таратган арбоблар –

Президентлар, қироллару пошшолар,
Ўзбекдай мард дўст қидирган пешволар.

2

Оқ уйи ё Оқсаройи тожи сар,
Огоҳ этар элу юрт ривожидан.

Замон бўлди соҳибқирон замони,
Кешда бино этди ажиб бинони.

Осмонга бўй чўзди улкан қўш равоқ,
Кенг ҳовлиси тоштахтали, оқ, равон.

Деворлари зар, ложувард кошиндан,
На мағрибда, на бор Чину Мочинда.

Қачонки юрт ўз эркини берди бой,
Атиргулдек сўлди гўзал Оқсарой.

Кошинлари қўз ёшидай тўкилди,
Расо қадди ёй мисоли букилди.

Яна ҳурлик кирди оро жонига,
Малҳам қўйди заха-яра танига.

Аммо руҳи учди Тошкент томонга,
Зап киройи кўрк берай деб замонга.

3

Пойтахтнинг қоқ ўртасида тикди қад,
«Қуббатул истиқлол» эрур то абад.

Меъмори Юртбоши, тенгсиз маҳорат,
Ҳар нақшида ўзбекона тароват.

Лойи меҳр суви ила қорилмиш,
Саратон – танурда пишган ҳар бир фишт.

Оқиши мармар, яшил тошдан устуни,
Юрт осмони безаб турар устини.

Руҳинг қушдай енгил тортар, босмас юқ,
Бир зал мовий, бири зангор, бири кўк.

Шифтларидан шаффоф зиё сочилар,
Ул бирида нилий осмон очилар.

Қибла томон қараб турар пештоқи,
Саҳни чаман: яшил, қизил, пистоқи.

Құш қаноти бир-бирига вобаста,
Парвозга шай лочин дейсиз ҳавасда.

Тож зийнати ёқут каби ярқираб,
Манглайида Ватан герби барқ урап.

Амир Темур дубулғаси мисоли,
Оқ қуббаси шонли үтмиш тимсоли.

Хур-хур еллар эсиб үтар осуда,
Юрт байроби ҳилпираиди бошида.

Этагида қадим Анхор жүш уриб,
Куйлаб ётар агадият құшиғин.

4

Ватан шаънин улуғлар эл-улуси,
Кимлар учун юрт рамзидир Елисей.

Кимлар Оқ уй деса тикар жонини,
Авло құrap гурурини, шонини.

Даунинг стритни борми билмаган,
Инглиз сұз айтар унинг номидан.

Император саройидан кетса гап,
Япон боқар сакурадай гул яшнаб.

Не бахт, мен ҳам аён этиб ҳаддимни,
Сұз айтаман мағрур тутиб қаддимни:

Замонга боп иморатдир Оқсарой,
Эркимизга ишоратдир Оқсарой.

У ўзбегим дўпнисидай беқиёс,
Она халқим тийнатига хосу мос.

Унда озод миллат руҳи мужассам,
Ҳам шавқати, ҳам шукуҳи мужассам.

...Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,
Кундуз қуёш қўниб ўтар, тунда ой!

2001

ҚИСМАТ

Ваҳий – азиз зотларга қисмат,
Зеро элда жўн бир пайғом бор:
Ҳар пайғамбар эмас Муҳаммад,
Ҳар Муҳаммад эмас пайғамбар!

ОҚШОМ ҚУЁШИ

Ўзингсан ўзингта муносиб қиёс,
Эй оқшом қуёши, дилбарим аёл.
Кундуз зулматидан тезроқ эт халос,
Танимни музлатди жазира аёз!

АЖАБ ДУНЁ

Сирли самандар дунё, ажаб-ажаб, қизиқдир,
Кўк сув она боласи – лола юзи қизилдир.
Суврату сийрат илло ўхшаш эмас доимо,
Оғзи қора тандирнинг бағри тўла қизил дур!



МАНГУ ҲИЖРОН НАВОСИ

Кутган фақат бир менми,
Бир менми гирён фақат?
Ҳар тонг қон бўлиб бағри
Нимани кутар шафақ?

Саргайган кўз ёшларин
Олмалар тап-тап тўкар.
Улар кимнинг йўлига
Бунчалар зор кўз тикар?

Қоронғу кечаларда
Ой фонусин кўтариб,
Юлдуз кўзли сулувлар
Кимни юрар ахтариб?

Карвон-карвон булутлар
Нега ўкириб бўзлар,
Дунё кезган шамоллар
Увлаб нимани излар?

Кутавериб охири
Тоғ бағри бўлганми тош,
У кимни кута-кута
Дарё-дарё тўкар ёш?

Олов тусли аргумоқ
Йўртиб ўтар ҳар куни.
Ким сугориб, ҳар кеча
Қайдা ўтлатар уни?

Күриниш бермас нега
Алп қоматли чавандоз?
Кимни кутиб фасллар
Ёяр турли пойандоз?

Ер устини бирма-бир
Кезиб чиққач қадамлаб,
Ер остига нимани
Излаб кетар одамлар?

Эй, олами кубаро,
Гоҳ вайрон, гоҳ шод күнгил,
Қилча меҳр нуридан
Каъбача обод күнгил,

Бағри қон шафақ – бу сен,
Бу сен – саргардон шамол.
Олов аргумоқ – бу сен,
Бу сен – ҳасби ҳатти ҳол.

На ошкор – сенда ошкор,
На ниҳон – ниҳон сенда.
На рост – сенда росту бор,
Ёлғон – на ёлғон сенда!

2001



ШУКРОНА

Хақ әгам ҳақлигингни
Билдирганингга шукр.
Үз устимдан ўзимни
Кулдирганингга шукр.

Йўғимни ҳам бор этиб,
Ул зотга даркор этиб,
Багримни баҳор этиб,
Бўлдирганингга шукр.

Дўст-душманни кўндириб
Асов отга миндириб,
Юрап йўлим ундириб,
Елдирганингга шукр.

Синов солиб бошимга,
Шерик қилиб ошимга,
Агёрни ҳам қошимга
Келдирганингга шукр.

Ҳаёт худди кўпкари,
Бахт бир бери, бир нари,
Гоҳ ўйда шу сингари
Қолдирганингга шукр.

Ким зару ким қумлигин,
Кимнинг асл кимлигин,
Бу дунёнинг шумлигин
Билдирганингга шукр.

Ишқ ичра мансаб бўлмас,
Ошиқликнинг ўзи бас.
Ҳур кўнглима пок нафас
Тўлдирганингга шукр.

Ой билан оқшом хуштор,
Кун билан кундуз дилдор,
Шеър айтиб, эски дутор
Чалдирганингга шукр!

2001

ҚУВОНЧ ҚУШИ

Чечак яшнаб турса чаман саломат,
Юрак яйраб турса бадан саломат.
Қувонч қуши қўнар сокин кўнгилга,
Кулгу янграб турса Ватан саломат!

ИНТИҚОМ

– Ул ёр интиқомига борми экан бир чора,
Бул навкари сўққабош на айласин бечора?
– Борсин дарвозасига от ўйнатиб, уриб бош,
Ҳайдаса қайтиб кирсин, тизиллаб тўкканча ёш.

АБАДИЙ САВОЛ

Бу сирли ҳаётнинг моҳияти не,
Азал жавобидан саволи кўпроқ.
Қазо вақти етгач яхши-ёмонни
Бирдек бошга баланд кўтарар тупрок!



ГҮЗАЛ ШУ БОҒ ИЧИНДА

Бамисли жавҳару зар тоғ ичинда,
Моҳият нарсанинг андоқ ичинда.

Тафаккур дур каби ноёблигидан
Мудом тутмиш макон чаноқ ичинда.

Ясаб тоштахтадан мўъжаз иморат,
Магиз қадри баланд ёнғоқ ичинда.

Очар япроқ ичинда лола рухсор,
Муҳаббат лаззати ардоқ ичинда.

Сенинг асли тилинг, ай ёр, шириндир,
Садафдан қўргони дудоқ ичинда.

Қабоқ устида қолмиш қош, сабабким
Қароф — қўз гавҳари қабоқ ичинда.

Азал ҳукмин, аё, ҳар лаҳза ёд эт,
Азиздир жон қазо — сиртмоқ ичинда.

Униш бордир, яшаш бор, яшнариш бор,
Сўлиш бордир гўзал шу боғ ичинда.

Мурод шу, қолдириб бир майса яшноқ,
Моҳият касб айламоқ тупроқ ичинда!

2001



ЮЛДУЗ ШУЬЛАСИ

«Юраги ботирдир, ҳар сўзи ёкут,
Абдулла ақангнинг этагидан тут.

Устоди кабир лутф иноятидан
Темирни хамирдек юмшатди Довуд.

Устоз ўгитидай ўткир қилич йўқ,
Йўқ устоз пандидек мустаҳкам совут».

Раҳматли отамнинг даъватларидан
Ҳамон юрагимда гуруллайди ўт.

Устозим Наврӯзда туғилмиш, ўзим
Ўн йил ўтгандан сўнг, кундан яна тўрт.

Ўсди болалигим узумга тўйиб,
Онамдек бол бериб улғайтирди тут.

Ниҳоят Некӯзда кўчган наърадан
Уйғонди Гараша, кўз очди Накрут.

Йўллар етаклади Тошкент бағрига,
Куйилди кўксимга навою суруд.

Не бир замон кечди шундан буёғи,
Макру нағмалари бўлган йўқ унут.

Не бахт, ўзбекнинг ҳам келди ҳамали,
Ортда қолди буткул аямажуз, ҳут.

Аммо «Митти юлдуз» юксакда ҳамон,
Ҳамон юракларга улашади кут:

Ўзбекнинг томири ер юрагида,
Хаёли етти қат осмонда масъуд.

Бол келса элингта тұхфалар айла,
Фам келса қолдирма, сұнгигача ют.

Устоз әл ичида азиздир бу ҳол,
Мен үн йил беріда турибман бойқут.

Юлдуз-ку абадий порлаб қолажақ,
Нур тушган күнгил ҳам бўлмагай унут!

2001

ГУЛХАН

Гуруллайди гулхан – оташ ўрдаси,
Забтидан сесканар одамнинг эти.
Кўкка ҳамла қилас олов ўртаси,
Четидан огоҳ бўл, куйдирап чети.

КЕТМОНЧИ ДЎСТ

Билишимча, белкуракни кўрмайсан хуш,
Аррани ҳам. Билганингдан, майли, қолма.
Не бўлса ҳам, эҳтиёт бўл, кетмончи дўст,
Қизиқ усти ўз оёғинг чопиб олма!



ҚОРА ТОШ

Кимнинг баланд тоғларга
Бир қур келмас чиққиси.
Гараша тепасида
Бобомұла чүққиси.

Бошида булат тұзир,
Ажиб виқор, ҳашамат.
Ёшлик файрати құзиб,
Чүққига тирмашаман.

Сайхонда Гарашасой
Оқиб ётар буралиб.
Икки чети узумзор,
Тош иморат, құрали.

Ногоҳ тойиб, оёғим
Остидан күчар бир тош.
Фарёд солиб, боёқищ,
Жарликка учар бир тош.

Эй қора тош, қора тош,
Тилинг борми сенинг ҳам?
Оғритдимми дилингни
Мен бебош, ғофил одам?

Күшилиб нола қылган
Тошлар дүстинг эдими?
Наъматак чүзиб қүлин,
Ушлаб қолай дедими?

Эй, қадрдон тогимнинг
Миттигина бўлаги,
Тош бўлиб шунча бўлсанг,
Мен ҳам бир тош бўлайин.

Ўраниб қор кўрпага,
Қиши уйқусига қонай.
Кўнгироқ чалса ёмғир
Гул кўтариб уйғонай!

2001

ЧЎЛПОН ЁДИ

Шодлик ўз йўлига, тек турмас шайнин,
Бу дунёда асли ҳаммага қийин.
Шоир бўлса чиндан элнинг кўкайи,
Шоирга осондир ўлгандан кейин.

ОНАИЗОР

Онаизор юзга кириб кўз юмди,
Кўкни тутди фарзандларин ноласи.
Эрта ташлаб кетдингиз деб бўзларди
Оппоқ сочли саксон ёшли боласи!

УМР ФАСЛИ

Ёшлик бошқа экан, йигитлик бошқа,
Энди тор кўринар аввал кенг йўлак.
Яшардим ўз кайфим зайдида, энди
Дардим кун ўзимнинг дардимдан бўлак.



ОНАЖОН

Онам Салоят Шукур қызы хотирасига

Кузги алвон боғлар каби
бағрим қон,
Яна сизни йүқлаб келдим,
онаジョン.

Нетай ўксик күнглим яна
бузилди,
Юрагимдан иссиқ ёшлар
узиlldи.

Энди билдим, сизсиз бағрим
яrimdir.
Онасизлар бу дунёда
ғарибdir.

Сиз-ку саксон беш баҳорга
етдингиз,
Фарзандларнинг баҳтин кўриб
кетдингиз.

Шунча бўлиб менинг дардим
зиёда,
Ёш етимлар нетар экан
дунёда?

Қодир Аллоҳ! Оналарга
тўзим бер,
Баҳтин бутун, ёшнинг тўқсон,
юзин бер.

Соф-саломат кимнинг бошда
онаси,
Онасизнинг ҳолин сезмас
танаси.

Онаси бор билмас асло,
ҳар ишда
Дуо қилиб турар бир пок
фаришта.

Оналининг бир гули минг
товланар,
Онасизнинг боғига қуш
ёвланар.

Оналининг дўппи тушар
бошидан,
Онасизнинг тошлар чиқар
ошидан.

Хонадоннинг шамчироги
онадир,
Онасиз уй зулмат қучган
хонадир.

* * *

Гавҳар бериб онам каби
боққан тут,
Ёнингдаман. Ёдингдами
ҳар мавруд

Иккингиз teng йўлим пойлар
эдингиз,
Қучоқ очиб кутиб олар
эдингиз.

То эр етиб қуйилгунча
босилиб,

Үйнар эдим шохларингга
осилиб.

Миниб олиб баланд айри
шохингга,
«Алпомиш»ни ўқир эдим
гоҳида.

Оппоқ меванг, онам ёпган
ширмой нон
Лаззатини унутмасман
ҳеч қачон.

Бугун сени ёлғиз күриб
она тут,
Қайрилди ўқ еган қүшдек
қанотим.

Сарғайтибди соchlарингни
ғам юки,
Ажин босган юzlарингда
нам юки.

Бош устимдан күз ёшларинг
тўкма, бас,
Кел, бағримга босай сени
бир нафас.

Остонангдан узилмасин
қадамим,
Онам бўлиб чорлаб тургил
қадалиб.

* * *

Не қиларим била олмай
энтикиб,
Гарашанинг тош йўлида
тентидим.

Йўл дедики: «Юрган етар
тилакка,
Энди кўнгил қўйма мендан
бўлакка.

Боқ, бағримда онажонинг
изи бор,
Ҳар изнинг ўз тарихи, ўз
сўзи бор.

Сут кўтариб ўтганлари
ёдимда,
Сув кўтариб ўтганлари
ёдимда.

Бир гал мушфиқ юрагини
ҳовувлаб,
Шошиб ўтди сени маҳкам
опичлаб.

Ҳароратинг қуидирарди
танини,
Бу сен ўша гўдак эдинг,
танидим.

Ўтди бари, дея фақат
ғам ютма,
Ҳар гардимда онанг ёди,
унутма!».

* * *

Шовуллаган Гарашасой
бўйида,
Ўтирадим буюк армон
ўйида.

Сувдан садо келди: «Мени
тўйиб ич,
Ёшлиқдаги каби бошинг
кўйиб ич.

Кўлларини ўпиб-ўпиб
оққанман,
Онанг билан бирга сени
боққанман.

Олис кетсанг, юрак-бағри
сўкилиб,
Ўтиради менга ўйчан
тиклиби.

Бағримга боқ, очиб қўнгил
кўзини,
Кўражаксан онажонинг
ўзини».

Гарашасой, Гарашасой,
сой онам,
Сени энди танидим-а,
вой онам...

* * *

Кузги алвон боғлар каби
бағрим қон,
Яна сизни йўқлаб келдим,
онажон.

Нетай ўксик кўнглим яна
бузилди,
Юрагимдан иссиқ ёшлар
узилди.

Этагимдан тортди шамол:
«Йифлама,
Йифлаб яра бағрим яна
тифлама.

Фарзанд учун азал қисмат
шу ўзи,

Она ўлмай очилмайди
қалб кўзи.

Самоларда саслар кезар
илоҳий,
Она ўлмай, кардир фарзанд
қулоғи.

Тингла мени руҳинг бедор
палласи,
Эшитилар онажонинг
алласи:

«Тош уйқуда ётур онанг,
йўқлама,
Сен ухлама, алла болам,
ухлама.

Руҳин ғафлат босса одам
чалажон,
Сен ухлама, алла болам,
болажон!».

* * *

Она дедим, тоғлар садо
бердилар,
Она дедим, боғлар садо
бердилар.

Райҳон деди: «Фам-гуссани
қўй нари,
Менда қолди онангнинг хуш
бўйлари».

Қуёш деди: «Чўзиб илиқ
кафтини,
Менга берди онанг юрак
тафтини».

Тупроқ айтди: «Ҳар қадаминг
үйлаб бос,
Онанг менинг бағримдадир
умрбод!».

2002

БЕДИЛОНА

Баҳодиржонга

Ҳавойи сўз эмас сукут, андиша,
Тойса тилдан тояр одам ҳамиша.
Бўшатиб бир четга отмас эдилар,
Оғзини очмаса май тўла шиша!

ҲАЖ ИБОДАТИ

Туркийдурсан, форсийдурсан ё ҳабаш,
Ибодатдан дилда ўзга йўқ ҳавас.
Либосингни бир кийимдан қилурлар,
Ҳақ қаломин билурингдан билурлар.

МАШРАБ

Шодлиги офтобча, дарди тунча чўнг,
Дунё тилсимотдир, тўла асрорга.
Мингта дордан қочган шуародан сўнг
Машрабдек бир шоир тик борар дорга!



ИЗЛАР

Икки чети ораста,
Ёлғизоёқ чамбил йўл.
Кетиб бораман аста,
Ҳар ёнда гиёҳлар мўл.

Қуриб қорайган янтоқ,
Чўкир шувоқ, кўк барра.
Узоқда кўнгура тоф
Осмонга тортар appa.

Шу биргина сўқмоқда
От изи, қулон изи,
Эшак изи, ит изи,
Қуш изи, илон изи.

Шу биргина сўқмоқда
Дон изи, буғдой изи.
Юзиб ўтар оҳиста
Күёш изи, ой изи.

Балки бунда бир чоқлар
Озод қўйиб чавкарин,
Елиб ўтган қуюндай
Амир Темур навкари.

Балки... Машраб сўзона
Наволар қилиб ўтган.
Йўл тушганча узала
Оёқларини ўлган.

Шу йўлда бобом изи,
Отам излари пойдор.

Қор ўтган, ёмғир ўтган,
Шамол ўтган неча бор.

Шу сүқмоқда менинг ҳам
Изим қолар экилиб.
Бүгдой донаси каби
Сүзим қолар тұқилиб.

... Қай бир замон бегона
Йұловчи құйса қадам,
Маъюс бир соғинч ила
Эслармикан мени ҳам!

2002

ОВЧИ

Оху қочиб борар күзи тұла ғам,
Овчи қувиб борар изидан хуррам.
Билмаски, қувгани сайин қанча тез,
Тақдир қувиб борар унинг үзин ҳам.

ОЗОДЛИК

Жаноб мантиқ! Сизга минг қуллук,
Озодлик бор ёки бор қуллик.
Қолған бари қуруқ сафсата,
Қолған бари нархи бир пуллик!

ХАҚИҚАТ

«Хақиқат әгилар, синмас». Қай замон
Қай бир зот шундай деб айтгани аён.
Мен дейман: «Синган соз әгилмай туриб,
Хар маврид әгилмоқ сингандан ёмон!».



* * *

Балки бунинг барига сабаб
Телба кўнгил шавқ-шарораси.
Кўзларимга кўринмас, ажаб,
Ўн тўқиз йил умр ораси.

Бунга сира ишонмас одам,
Ишонса ҳам тушунмас, тайин.
Ёшлик сари ўн тўқиз қадам,
Мисоли бир қадамдир ҳар йил.

Ортга қараб илгари юриш...
Бунга фақат муҳаббат қодир.
Эҳтимолки минг бир қисматда
Битта шундай бўлажак содир.

Улғайиш – бу табиий бир ҳол,
Лек табиий ёшариш қийин, –
Ўн тўқиз йил ўтгандан аввал,
Ўн тўқиз йил ўтгандан кейин.

Чаппа оқиб бораётирман
Беихтиёр Сангзор сингари.
Мени қўйиб юбормас бу дард,
Энди сенинг қўлингда бари.

Унут мени, айрилиқча кўн,
Хижрон – умид, дийдор – изтироб.
Мени мендан ичкарида кўм,
Мени мендан ташқарида топ.



УМР ЙҮЛДОШИМГА

Эй умрим ҳамдами, ҳабибам Иқбол,
Мен бир сүз айтайин, кел, сен қулоқ сол.

Бугун бошимизда улуғлик ранги –
Мен учун қалпогу сен учун рұмол.

Эх-хе, ўттис беш йил бұлибди, мана,
Таққанига никоҳ узугин висол.

У пайтлар мен үзни бургут өфілдердім,
Сен ҳуркиб қочардинг бамисли ғизол.

Кечди ёшлигимиз тоғу тош, қирда,
Бир сойдан сув ичдик, бир булатдан бол.

Кейин бирға кетдик тақдир йүлидан,
Тошкент умримизда құрсағатди жамол.

Отадан мардлыгу онадан шафқат,
Күнгилда бир олам орзу ва хаёл

На бошда бошпана, на ҳамёнда күр,
Бир жомадон китоб ва бир сандық мол.

Гоҳ қолдик жалада, гоҳи аёзда,
Гоҳо ялаб ўтди изғириң шамол.

Баъзан таомимиз бүлди бор-йүғи
Нонуштага ғазал, түшликка мақол.

Тунлари тузардик шеърият базмин,
Сен бир маликаю мен гүё қирол.

Китоблардан чиқиб келарди не-не
Акобир сиймолар авлиё мисол.

Сўздан ўтин қалаб исинар эдик,
Сўз миниб дунёни кезар эдик лол.

Кийсак китоб бўлди энг тоза либос,
Ёпинсак кўрпаю ёнбошласак шол.

Кулганлар қанчаю кесатган қанча,
Тортган қанча бўлди ўртага девор.

Бу ҳол ўртар эди иккимизни ҳам,
Тўғриси, баъзида келарди малол.

Чақмоқ чақар эди кутилмагандা,
Ёмғир ҳам шифалаб қоларди бир ҳол.

Аммо шеър асрари, асрари китоб,
Яссавий, Навоий асрари алҳол.

Неча кечиб ўтдик лойқа сувларни
Фақат сақлай билдик кўнгилни зилол.

Балки бу Аллоҳнинг синови эди,
Охир ўзи мадад бўлди Зулжалол.

Сирилди миллатнинг кўзидан парда,
Бизга ҳам қучогин очди истиқлол.

Мос келди меҳнату умид, мартаба,
Рост келди: «Ҳар эзгу ниятга камол».

Улғайиб ҳосилга кирди, минг шукр,
Иккимиз қадаган беш нафар ниҳол.

Ҳавас қилган қанча, алқаган қанча,
Тўрт муччамиз соғу ризқимиз ҳалол.

Борини сүзладим. Демагил фақат
Андишани билмас бу навқирон чол.

Ростини айтмоқдан муддао шуки,
Барибир оила устуни – аёл.

Шүрни мендан күпроқ, болни кам тотдинг,
Мендан кейин келдинг, мендан кейин қол!

2006

КҮЙГАН КҮНГИЛ

Хажрингда күзим түкмаса гар ёш,
Ишқимни, эй ёр, чиқарма йүқңа.
Биқирлаб тошар қайнаган құмғон,
Күйган идишдан дуд чиқар күкка.

ЭЛ ҲИҚМАТИ

Эл кезиб топғаним бу, әлимга хос,
Бир ипга маржон каби тиздим, холос:
Отлиқ билан чопишар от күрмаган,
Ёвуқ билан ёвлашар ёт күрмаган.

ТУЮҚ

Ҳикмату ирфонга кимки тоби йүқ,
Қүш бұлиб қаноти йүқ, китоби йүқ.
Илму одобсиз кишининг ҳар қачон
Холати андоққи, у кит оби йүқ!



ПУШКИН

Севги, ҳасрат куйчиси,
Асов даҳо, жүшқин руҳ
Чалиб үтди янгроқ соз,
Мангу шараф топди Рус.

У маккор замон эди,
Ҳар ёнда найранг, үйин.
Мұхабbat лирасини
Синдирди қора қуюн.

Танҳо эди. Туғилмас
Энди, Пушкин бошқа йўқ.
Аммо кезиб юрибди
Шоирга отилган ўқ!

2006



НИҚОБЛИ ДУНЕ

Манфаат дунёни бошқарар буткул,
Илкида ахборот – дудама қилич.
Дўст киму душман ким англамоқ мушкул,
Мард киму номард ким осонмас билиш.

Шоқол шерлик қилар жойига қўйиб,
Айиқ ниқобида тулки, воажаб.
Парранда тумови ниқобин кийиб,
Эски ўргини сермайди ажал.

Ростнинг шляпасин қўндириб бошга
Ёлғон ўз атрофин сир билан ўрап.
Нияти бошқаю амали бошқа,
Ҳаёт томиридан шарбатин сўрап.

Ҳатто ҳақиқатнинг юзида ниқоб,
Дўстлар ҳам туришар ниқоб остида.
Душманку ким душман билолмай хуноб,
Дўст, эвоҳ, душман деб дўстнинг қасдида.

Кушлар ҳам адашган маконларидан,
Ақлга буйсунмас осмон қайнashi.
Булбул чаҳ-чаҳ урган боғимда бирдан
Чуғурлаб қолади афғон майнаси.

Эй ошиқ, фарёдлар чекасан нуқул,
Ўтларга урасан жонингни қийнаб.
Эҳтимол, хаёлинг ром айлаган ул
Тортилган ажину силикон сийна.

Мен-ку муҳтож нонин қилмадим түя,
Ноҳақ қонатмадим бирор бурнини.
Сезаман, мени ҳам кузатиб турар
Маккор кимсаларнинг ғараз дурбини.

Соҳибқирон демиш, ки улкан мерос
Улкан мухолифлик туғдирар аниқ.
Эй сиз, от ўйнатиб турибсиз, бу рост,
Бобонгизнинг пойдор тузуги қани?

Билингки, булутлар тортса ҳам ниқоб
Барибир жамолин кўрсатур күёш.
Ҳақиқат, севинсам чақна кўзимда,
Йиғласам қуйилгил кўзим тўла ёш!

Йўлимдан қайтмайман, кўриб турибман
Оздирганлар ўзи бўлдилар кукун.
Ҳур чечаклар унди устихонидан
Аҳдида мустаҳкам зотларнинг бу кун.

Улар мозорини қиласман обод,
Гирдида тиклайман шовуллаган боғ.
Фалакка Улуғбек таққан юлдуздан
Бобом кулбасига ёқаман чироқ.

Яланг яктак кияр ўзбегим билиб,
Очиқ кўкрагида нишони — имон.
Юракни қуёшдай яланғоч қилиб,
Номимни қуёшга ўяман, ишон!

2007



ФУТБОЛ ВА ҲАЁТ

Миржалол Қосимовга

Ҳаёт майдонида омад олтин түп,
Одил ҳакам ўзи Яратган эгам.
Ҳаётда ҳам, иним, ўйинчилар күп,
Ҳаётда ҳам элнинг Миржалоли кам.

Бир майдон ичида каттаю кичик,
Бир майдон ичида мард ила маккор.
Ҳалол беллашувга етмаса кучи,
Пайт пойлаб оёқдан чалувчилар бор.

Эҳ, қоним гупуриб кетади баъзан,
Фирром кимсаларга тобим йўқ сира.
Юзма-юз келсайди, шартта ўша дам
Калла қўяр эдим Зиданчасига.

Футбол ҳам уйғотар йигитлик орин,
Ор ва улус шаъни уйғун, ҳамоҳанг.
Фолиб келди мудом аҳли сардорин
Атрофика бўлса битта жамоа!

2007



ПИШИКЧИЛИК

Бир чөглар ниҳол қаби
Күкда эди нигоҳим.
Ерга эгилиб турар
Энди мевали шохим.

Ёшлиқда гүзал онлар
Олдиндалиги бор гап.
Мени илк ҳаяжонлар
Орқага кетар бошлаб.

Ишқ йўлида бўлгани
Тўғри эрур хато ҳам.
Болаликда бол қаби
Тотли экан ҳатто фам.

Отам-онам дер эдим.
Ўйлар эдим бир қизни.
Энди болам-чақам деб
Ўтга ураман ўзни.

Минг орзу ҳавас ила
Кечар эди ҳар они,
Энди бағримни тилар
Ўтган умр армони.

Нордон эдик, гўр эдик,
Пўла эдик, пуч эдик.
Ҳақ йўлидан адашиб,
Ҳақ йўлига дуч келдик.

Орқада фоний умр,
Олдинда бақога йўл.

Эгам, ўзингга шукр,
Караминг бунчалар мўл.

Буёғи... пишиқчилик,
Пишган кетар, хом қолар.
Бир ташна лабга интиқ,
Жамшид кетар, жом қолар.

Эзгу савоб ишлардан
Давраларда кетса гап,
Бир сўз бирор дермикан
Менинг ҳам номим атаб.

Она-Ватан боғида
Хур бўла топдим шараф.
Янтоғи, шувогича
Борми мендан элга наф?

... Бир чоғлар ниҳол каби
Кўқда эди нигоҳим.
Ерга эгилиб турар
Энди мевали шоҳим.

2007



АЗИЗАМ

Күшик

Азизам,
Сен менинг
Тақдир қилмаган тақдирим,
Сен менинг
Сир ичиди сир тутган сирим,
Азизам.

Азизам,
Мени ҳеч ким сенчалик
Яхши құрмаган бунча.
Сени ҳеч ким менчалик
Севмас ўла-ўлгунча,
Азизам.

Азизам,
Сен құксимда «ку-ку»лаб
Турған бедор қумрисан.
Умримнинг муҳаббати,
Муҳаббатим умрисан,
Азизам!

2007



ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР

Ҳазил

1

Шаҳарга бу хос эмас, бироқ
Қишлоқларда одатий бир ҳол.
Эркак уч-тұрт қадам олдинроқ,
Орқароқда юради аёл.

Эркакларға бу жуда ёқиб,
Биз зүр-да, деб күкракка урап:
«Йұталсак, бас, хотин боёқишиш
Изимиңда пилдираб юрап».

Аёллар дер: «Бизда эр эрки,
Эр эмас, биз ғолиб юрамиз.
Бир им қоқиб ҳар қандай әрни
Олдимизга солиб юрамиз!».

2

Шукру салом минг бир ҳазор,
Минг бир ҳазор ҳамду сано.
Одам зотин парвардигор
Обу гилдан этмиш бино.

Сувга үхшар эркак зоти,
Юз феъли хұб, бири ёмон.
Қия жойға дуч келса, бас,
Оқиб кетар ўша томон.

Аёл зоти үхшар гилга,
Юз феъли хұб, бири қизиқ.
Қанча қорсанғ зуваласин
Шунча яна бўлар пишиқ.

Шукру салом минг бир ҳазор,
Минг бир ҳазор ҳамду сано.
Аёл зотин парвардигор
Обу гилдан этмиш бино.

3

Үйлашимча, боболаримиз
Бүлган хийла содда ва буюк.
Үша даҳо меваси шаксиз:
«Аёл макри қирқ туяга юк».

Ечилмайди ҳамон бу тутун,
Туша олмас ҳеч ким орага.
Аёл макри юк бүлар бугун
Қирқ туяю эр бечорага.

Аслида-ку, бундай содда феъл
Бизга Одам Атодан мерос.
Момо Ҳаво «Ўзинг бери кел!»,
Деса чопиб боргани ҳақ рост.

Аёл меҳри, ў, тенгсиз жоду,
Макридан зўр эрур минг чандон.
Чин истаса, бир боқищда у
Қирқ кофирни айлар мусулмон!

2007



ЧОШТЕПАДА ЁЗ

Йұлым тушиб, ёз чоғи
Чоштепада тұхтадим.
Осмон сариқ, ер сариқ,
Сап-сариқ қиру адир.

Салқин жой қидириб сув
Қочмиш қудук тубига.
Хар ерда тұп-тұп сурув,
Чашма кирап тушига.

Эсади илиқ-илиқ
Ялқов шаббода овш.
Түмшугин чұмич қилиб
Хансираб нур ичар қуш.

Лойсувоқ иморатлар
Бог ичига бош суқиб
Сокин соялаб ётар,
Сукутга чұмған сукут.

Күланка қуюқ, қалин
Бахмал күрпача монанд.
Соясиңинг сояси
Каби туссиз дов-дараҳт.

Зардоли танасида
Мудраб ётган үг-оташ
Шохларда ёнар сараб,
Бамисли қаҳрабо тош.

Ишком ости супада
Күзга чалинар хиёл,
Күкрак тутиб, бешикка
Суянган сўлим аёл.

Бари юракка яқин,
Келмас одам кеткиси.
Нур қанотида оқиб,
Маст қилар шувоқ иси.

...Бўлиқ тупроқ этигим,
Қуёш – қалпогим менинг.
Ўтиб кетар ёнимдан
Болалик чофим менинг!

2007

МУЪЖИЗА

Магар эчки одам бўлибди десант,
Эшитган оғзингга уради: «Пуч гап!».
Лекин, таассуфки, ҳаётда баъзан
Одамнинг эчкиси туради учраб...

ЭЙ ИНСОН

Ёяр оппоқ пойандоз осмон,
Бошингга ер тутар соябон.
Сен ҳам ерни қутар бошингга,
Осмонингга сажда қил, инсон!



ФАРЗАНД ҚИСМАТИ

Одатингдан айланай, элим,
Одатингга жонлар садақа.
Сен каби бир отажон эл йўқ,
Онажон эл йўқдир сендақа.

Дастурхонда отадан аввал
Таомга қўл урилмас зинҳор.
Чиқма асло ота ўтирган
Том устига, деган гаплар бор.

Она кўнглин ола билсанг гар,
Эта олсанг истагин вожиб,
Борганинг шу Маккага дерлар,
Бўлганинг шу дейдилар ҳожи.

Ота-она давра қурган жой
Фарзанд учун қиблагоҳ, шараф.
Узатмаслар қиблага оёқ,
Сажда қилур қиблага қараб.

Ўзбек ўғли унутмас буни,
Болалиқдан дилга жо қилар.
Шу икки зот оёқ остини
Иzzат уйин тўри деб билар.

Ҳатто куни битса вақт етиб,
Русумини қўйиб жойига
Маҳалла-кўй қўярлар элтиб
Ота-она қабри пойига.



СҮЗ ЖАМОЛИ

Бил, ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз.

Алишер Навоий

Эл ичра номи баланд,
Ҳар ишда фазли аён
Яшар эди донишманд –
Тоза тийнат, покдомон.

Кимдир «Оlam иборат,
Деса, молекуладан»,
«Йўқ, сўздан бу иморат»,
Дерди сирли куларкан.

Сўз унинг кўз ўнгига
Оқар эди чулдираф.
Гоҳ қоронгу осмонда
Чақнар эди гулдираф.

Бу дунёни ёритиб
Турган ҳам сўз, дерди у.
Инсон дардин аритиб
Турган ҳам сўз, дерди у.

Сўз айниса, диёнат
Ўлгани шу, дер эди.
Сўз қайнаса, қиёмат
Бўлгани шу, дер эди.

Неки яралмиш бари
Сўзниң жисму танидир.
Сўз – чифаноқ гавҳари,
Кўнгил сўз ватанидир.

Бир сүз бор сүз аввали,
Жой олган дил түридан.
Қолған барча сүз асли
Үша сүздан үриган.

Юрса ҳам, үтиrsa ҳам
Фақат үша үйида,
Яшар эди донишманд
Шу танҳо сүз күйида.

Жон каби эди азиз
Үша сүзниң дийдори.
Охир йиқилди ҳолсиз,
Кетди тандан мадори.

Үнгимиidi, туши ё
Билмас, – ҳарчанд уринди, –
Сүз жамоли күзига
Элас-элас күринди.

Кувончидан күксини
Үртаб кетди ҳаяжон.
Чорлади шогирдларин
Хузурига үша он.

Дупир-дупир жон қуши
Депсиди қанот қоқиб.
Бошидан учиб ҳуши
Тилдан қолди, боёқиш.

Ёш айланди күзида
Севинч ёши, ғам ёши.
Үкрап эди донишманд
Үпкаси тұлиб-тошиб.

Сүзга қовушмай лаби
Ғұлдиради, сүнг сүлғин
«Ана у!» деган каби
Осмонга чұзди құлин.

...Устознинг очиқ кўзин
Шогирд аста ёпаркан,
Аҳд қилди: «Ўша сўзни
Бир кун сўзсиз топаман!».

2007

ТУН ВА ҚУЁШ

Юлдузларни дондек териб,
Ой булогин ичиб кетди –
Қора товуқ тилло тухум
Қўйдию сўнг учиб кетди.

ДЎСТ БОЗОРИ

Дўст бизни сотибди, йўқдир зоримиз,
Дилдан кутарилди гард-ғуборимиз.
Қанча мол бозорда ўтмайин ётар,
Минг шукр, бор экан харидоримиз.

АТИРГУЛ СОЯСИДА

Булбул сайрайди хушхон атиргул соясида,
Чин ошиқ топар макон атиргул соясида.
Атиргул ифорига арзимас дунё моли,
Мени ҳам эт имтиҳон атиргул соясида.



МУҲАББАТ МАТЕМАТИКАСИ

Ҳаёт қонунига келавермас мос,
Муҳаббат йўриғи ўзгача бутқул.
Бирни бирга қўшсак икки бўлар, рост,
Дилни дилга қўшсак бўлар бир бугун.

Ёш бола ҳам билар нима қолмоғин,
Дейлик, бирдан бирни айирган чоғда.
Кўнгилдан кўнгилни айириш оғир,
Нол нима деган гап, ғам қолар тоғдай.

Олтин қоидага кўзгу тушунча:
Бирни бирга бўлсак яна бир қолар.
Дилни дилга бўлсак кўпаяр шунча
Хар қайси кўнгилда битта сир қолар.

Кўпайтувчилар жой алмашған билан
Кўпайтма ўзгармас. Аксиома бу.
Икки ошиқ юрак боғланса дилдан
Бу ҳам чин ҳақиқат, ишқ дегани шу.

Туманли, қуёшли умр фаслида
Инсонга қўш қанот ақл ва сезги.
Ҳаёт формуласи шудир аслида:
 $X + Y = СЕВГИ!$

2008



ИШҚ ОЯТИ

Боғ йўлида ётган бир варақ қофоз
Эътиборим тортар, қўлга оламан.
Бир бетда бор-йўғи тўртта сўз, холос:
«Севгандман, севаман, севиб қоламан».

Ёзганми айтишга тополмай журъат,
Ким у куйган кўнгил. Ўйга толаман.
Етиб бордимикан эгасига хат:
«Севгандман, севаман, севиб қоламан».

Боғ ҳайрат ичидаги тебратар бошин,
Шамол тегажоқлик қилиб боладай
Хатни олиб қочар ва ўқир шошиб:
«Севгандман, севаман, севиб қоламан».

Кушлар ҳам басма-бас чуфурлар жўшиб,
Мен энди уларнинг тилин биламан.
Ҳамиша айтилар фақат бир қўшиқ:
«Севгандман, севаман, севиб қоламан».

Меним-да ишим бир шу қушлар ила,
Дилда такрор айтиб сабоқ оламан:
«Эй ёр, эшит сўзим, келдим айтгали,
Севгандман, севаман, севиб қоламан!».

2008



ИБОДАТ

Сен қайда эдингу мен эдим қайда,
Бунча кеч, бунча кеч келдим сенга дуч.
Кўзларинг кўраман ҳар қайси жойда,
Сўзларинг тинглайман, қолган бари пуч.

Фақат сен туфайли, бир сен туфайли
Гўзал туйилади ҳаёт ғамзаси.
Розиман ёдимдан ўчса ҳам, майли,
Бир сенинг исмингдан бошқа ҳаммаси.

Тамшансам асалдек тилим кўйдирав,
Болдан ҳам шириндир исмингнинг тоти.
Бу не ишқ? Суйганим сари сўйдирав,
Бу не дард? Ўйнатар жонимни отиб.

Кўнглим куйиб кўнгил берганим аён,
Эл икра овоза бўлайин бўлсам.
Бошим остоңангга қўйиб берай жон,
Исмингни қучоқлаб ўлайин ўлсам!

2008



ЗИЁРАТ

Ишқинг мен учун қибла,
Жон томирига туташ.
Шу йўлдан айро қилма.

Юзинг мен учун каъба,
Бош қўйиб ўпиб, тавоф
Этгим келар ҳар дафъа.

Қора тош каби қора
Сочларинг тийра қалбим
Нурга қўмиб юборар.

Дудогинг – оби зам-зам,
Камайиб қоларми, айт,
Бир яна тўйиб ичсам?

Кўксингда Марва, Сафо,
Кўзларим етти эмас,
Етмиш бор саъига ризо.

Афу эт, ҳаддан ошдим,
Мундин сўнг тиф қошида
Нечук эгмайнин бошим?

2011



НАВОЙЙ ВА БОБУР

Она тили ори, гуури
Асрлардан садо беради.
Навоийдан сүз айта туриб,
Тилга Бобур келаверади.


Олти кунда яралмиш олам
Ва одам ҳам. Шукронда айта
Биз февралнинг олти кунида
Түғиламиш ҳар йили қайта.

Ҳали борлиқ қиши уйқусида,
Ҳали кўзин очмайин бодом, —
Туркий замин кенгликларида
Чапараста гуллайди одам.

Сен, эй кўнгил, гар тиларсан хўб,
Сўз сеҳридан умрингга нажот, —
Мир Алишер этагини ўп,
Бобур Мирзо эшигига ёт...

Она тили ори, Гуури
Асрлардан садо беради.
Навоийдан сүз айта туриб
Дилга Бобур келаверади!

2011



ТҮРТЛИКЛАР

СИР

Хикмат айтиб сирли оламдан
Түкилса ҳам минг сир қаламдан,
Тилло каби ерга құмилиб,
Бир уюм сир қолар одамдан...

МАРД АЪМОЛИ

Хавф келса майдонни мард
Ҳаммадан сўнг этар тарк.
Ки энг кейин тўкилар
Чинор учидаги барг.

БОҒ ИЧИДА

Бахмал қўрпасини ёпди ёз оқшом,
Олмазор боф ичи қандай латиф, бок,
Кел, юрагинг – коса, ишқингни эт шам,
Тилингни гулхандек гуриллатиб ёқ!

МУҲАББАТ

Ёр қалбida яшамаганда
Маст қилмасди муҳаббат атри. –
Ер қаърида яшамаганда
Олтиннинг ҳам бўлмасди қадри!



ИРСИЯТ

Нечун гина қилай сендан, бадкирдор,
Хар не насл сурар. Қодирул халлоқ.
Момонгнинг момоси балки дилозор,
Бобонгнинг бобоси ўтгандир жаллод.

ДУР ҚАДРИ

Якка дур, ёлғиз дур — момо мероси
Ётарди қутида гард-губор босиб.
Неча дур бирлашиб таманно қилгач,
Ёр сулув бўйнига кўрди муносиб.

БОЗОР ҲАҚИҚАТИ

Нақадар рост дунё — бозор деганлари,
Бўш турмас ҳеч қатор-қатор расталари.
Шу бозорга солмиш ўзни аҳли жаҳон,
Ё сотилган ё сотилар бир кун бари!

МИЛЛИЙ БОҒ

Ким Миллий боғ ичра
Қўйса гар қадам,
Юқсалур то ҳазрат
Навоий қадар!



ҚАЛДИРФОЧ ҚОШ

Бошима тушмиш бу савдо қошидан,
Айланурман ҳеч кетолмай қошидан.
Үсмани қўймиш Яратганинг ўзи,
Айланай ҳам ўзи, ҳам Наққошидан.

ЎЗБЕК ДЕСА...

Шундай севсин
севса агар эр элини,
Ўзбек деса
иийб кетар ер елини!

ШОИРГА

Белни маҳкам боғла, боғлама тилни
Ва лекин унутма бир таомилни.
Оғзингдан киргани ўзингни боқар,
Оғзингдан чиққани боқади элни.

ОЛИС ЮЛДУЗ

Достон

*Чаман боғлар, ҳур шамоллар, қуюнлар,
Шұх охулар, кишинаб юрган құлунлар,
Шер йигитлар, қайноқ қучоқ келинлар,
Кулоқ тутинг дүмбірамнинг торига.*

*Хаёт гулдек яшнаб борар күн сайин,
Мен ҳам энди олисларни күзлайин,
Мард ва жасур боболардан сұзлайин,
Кулоқ тутинг дүмбірамнинг торига...*



*Митра экин, ер ва сахроларнинг ҳомийси
сифатида бутун борлиққа ҳаётбасаш
шарбат сочади, барча низолар – уруш,
тартибсизлик ва вайронагарчиликларга
қарши қудратли курашичи сифатида
у тинчлик жарчисидир!*

Гегель

I

Салом, сўзга, созга ташна яхшилар,
Қалби дарё, меҳри чашма яхшилар,
Яхшиликка мудом ошно яхшилар,
Кулоқ тулинг дўмбирамнинг торига.

Эр йигитнинг қаноти бўз отдир, ҳей,
Чавандозга четда ётмоқ ётдир, ҳей,
Дўмбирамнинг тори таранг тортди, ҳей,
Кулоқ тулинг дўмбирамнинг торига.

Чаман боғлар, ҳур шамоллар, қуюнлар,
Шўх оҳулар, кишинаб юрган қулунлар,
Шер йигитлар, қайноқ қучоқ келинлар,
Кулоқ тулинг дўмбирамнинг торига.

Ҳаёт гулдек яшнаб борар кун сайин,
Мен ҳам энди олисларни кўзлайин,
Мард ва жасур боболардан сўзлайин,
Кулоқ тулинг дўмбирамнинг торига.

II

Бутоқлардан қушлар учар пириллаб,
Отлар елар сағрилари дириллаб,
Пешин чоги чор тарафдан гуриллаб,
Сипарангиз¹ от қўйди ёв устина.

Оқ соч она намат ўтов бўйида,
Минг бир хаёл мавжланади ўйида,
Ёлғиз ўғли кетди, қолди ўйида,
Сипарангиз от қўйди ёв устина.

Юртим деган юртдан кечиб кетолмас,
Юртни сотган муродига етолмас,
Ҳей, қани бўл, маломат ичра қолма,
Сипарангиз от қўйди ёв устина.

Оксус² бўйи яловларнинг ошиғи,
Чўпонларнинг тинди латиф қўшиғи,
Дарё тошган каби сувлар қўшилиб,
Сипарангиз от қўйди ёв устина.

Беномус Кир³ чакки қилди, ҳай аттанг,
Яна жангда қон тўкилди, ҳай аттанг,
Чўл гуллари бевақт сўлди, ҳай аттанг,
Сипарангиз от қўйди ёв устина.

III

Қамишзорга титроқ солди
мажруҳ шамол хониши,
Шувоқзорни тутиб кетди
аччиқ тер ва қон иси...
Лўкиллаб дов ёлдор бўри
бутазорга бош урди,

¹ С и п а р а н г и з – массагетлар маликаси Тўмариснинг ўғли.

² О к с у с – Амударёнинг қадимги номи.

³ К и р – аҳмонийлар сулоласидан бўлган эрон шохи Кайхисрав.

Мурдаларни бисёр күриб
танига қон югурди.
Оч күзгунлар жанг майдони
узра қанот қоқдилар,
Ясов тортган навкарларга
ғараз билан боқдилар...

IV

Чүзинчоқ юз, бургут күз, найзадаст Сипарангиз,
Пошшо эмас, бахши эмас, сүзлай деса сүз танқис.

Бир құлида от жилови, қиличи бир құлида,
Адлқомат, кенг күкракли йигитлар үнг-сүлида,

Қашқир күриб уймалашған сурув мисол аянчхол
Бандиларга нигоҳ солар, бошини чулғар хаёл.

Чүзинчоқ юз, қиргий бурун, шерпайкар Сипарангиз,
«Қулоқ туғинг!», дея вазмин сүз айтар Сипарангиз:

Митра айтар инсон қонин
Бесабаб тұқар бұлсанг,
Қабринг ичра илонлар
Ин қуарар бир кун үлсанг.

Яна ул айтар, агар
Құлингдан келса карам,
Химматинг даріғ тутма
Жонсарап жондорға ҳам.

Озодлик бахш этдим сизга, шуни унұтманғ бирок,
Хеч кимга тобун бұлмас, дахлсиздир бу тупроқ.

* * *

Омон қолган боши учун күкларға етиб боши,
Барваста бир эроний тиёлмай күздан ёшин.

Таъзим билан сўз олди:
— Ахсамар менинг отим
Қаноти синган қушман,
Огулидир ҳаётим.
Ёлғиз қолган онамни
Үйлайман эртаю кеч.
Уша кунги сўзлари
Ёдимдан чиқмайди ҳеч:

«Кайхисрав золим чиқди, амрин этиб бўлмас рад,
Гапларимни яхшилаб уқиб ол, болам, фақат.

Бегуноҳ гўдакларнинг қарғишига қолмагил,
Оналарнинг бошига зинҳор қилич солмагил.

Илоё омон қайтгил, сенсан суюнган тофим,
Сенсиз чироғим учар, сарғайиб сўлар бофим...»

Макру ҳийла эмас, йўқ,
Бу чин йигитлик сўзим.
Қилич сермадим фақат
Ўлмаслик учун ўзим.
Жўмардлик этмасанғиз
Мен буни айтмас эдим.
Эҳтимол онажоним
Ёнига қайтмас эдим.

Ахсамарнинг ҳасрати қалбларга титроқ солди,
Ундан сўнг чўққисоқол Навкарбоши сўз олди:

— Шаҳаншоҳнинг фармони
Навкарга ҳукми ҳақдир.
Ахсамар рост сўзлади
Барчамизда бир тақдир.
Вале ёш саркарданинг
Матонати беназир.
Ки жумла жаҳоннинг ул
Султони бўлса арзир.

Биз бунда базми жамшил
Бошлаган эдик, зеро
Арғувон оромијон
Май сероб, гүшт ҳам сероб.
Меҳмонимиз бўлингиз,
Хизматда турайлик шай.
Базмимиз таронасин
Сўйласин елларга май.

Май бўлса оромијон, рад этар фақат нодон,
Дарё тошгандай гувлаб, йигитларга кирди жон.

Сипарангизга ҳам бу соз ва ажиб туйилди,
Косаларга пайдар-пай ўткир шароб қуйилди.

Қайлигин қучоғида шодумон куёв каби
Тўлди завқу сафога ҳорғин йигитлар қалби.

Қўшиқ бошлади чўпон, янграб кетди соғу сўл,
Жўр сурнай навосидан яйраб кетди Она чўл!

Ч ў п о н

Вужудимиз тупроқдан
Нурга йўғрилган.
Биз Митра фарзандлари
Ерда туғилган.

Й и г и т л а р

Биз Митра фарзандлари
Ерда туғилган.

Ч ў п о н

Митра дер: «Ҳақиқат – бу
Нурлар тошқини.
Саодат топар, ким у
Қуёш ошиғи!»

Й и г и т л а р

Саодат топар, ким у
Қүёш ошиғи!

Ч ұ п о н

Вужудимиз тупроқдан
Нурга йүгрилган.
Биз Митра фарзандлари
Ерда туғилган.

Й и г и т л а р

Биз Митра фарзандлари
Ерда туғилган.

V

Бобо қүёш мағрибга мойил,
Үт-ұланлар ғимирлаб қолди.
Саксовуллар сояларини
Судраб пана томонга олди.
Келаверди май устига май
Бүш күзалар думалайверди.
Навкарбоши эса пайдар-пай
Ерүчөкқа үт қалайверди...
Бир-бирига сұзлари манзур,
Бир-бирига феъллари маргуб,
Үт ёқдилар гап қозонига
Тұда-тұда чериклар сархуш...
Күкаlamга узала тушиб,
Атан¹ ҳазин хаёлга толди.
Йұлларига күз тикиб қолган
Зарина² ни ёдига олди:

¹ А т а н – Заринанинг укаси.

² З а р и н а – Сипарангизнинг қайлиғи.

«Жоним опам, жайрон құзларинг
Хавотирли боқди ул замон.
Балки шубҳанг бор эди дилда
Қайтмоғимга саломат, омон.
Жоним опам, юртни ёв босса
Хұлу қуруқ баробар ёнар.
Сотқин фақат юртидан тонар,
Жоним опам, юртни ёв босса
Эсингдами, шикор чоғида
Айтган әдинг: «Одамзод ҳар вақт
Ұлим топар икки түйғудан –
Бири нафрат, бири муҳаббат.
Яна дединг, кечди дилимдан
Мангуликнинг мангу тадбири.
Икки түйғу асрар ұлимдан –
Нафрат бири, муҳаббат бири».
Лекин нафрат одам қалбини
Айлантирап бир куни тошга.
Севги, фақат севги ҳақлидир
Құл чұзмоққа нурға, қүёшға.
Кайхисравнинг қора боғида
Сувсиз гулдек сүнған муҳаббат.
Ахсамарни баҳтга ёр этди
Онасига бұлған муҳаббат!

VI

Навкарбоши қамишпояни
Ерўчоққа ташламоқ бўлиб
Энгаштию қотди қоядек,
Кимдир сиқиб тутганди құлин.
Деди: «Тамом, сезиб қолишли,
Уддасидан чиқа олмадим.
Энди бошим кўрмас болишни,
Ёт элларда қуртлар үлигим.
Тўғри қилди абллаҳ Ахсамар,
Сақлаб қолди жонини омон.
Энди менга йўқдир марҳамат,
Энди менинг аҳволим ёмон».

Құлға тушған үғри мушукдек
Чүчиб түшди, бокди қайрилиб.
Қошлари қоп-қора зулукдек
Ұсмир йигит туарди кулиб.

А т а н

Сезишимча, урмадингиз лаб
Үзингиз мадҳ этган шаробга.
Роҳатдан юз үгириб наҳот
Ташна күнгил фарофат топгай?
Түғилмаган чақалоқ учун
Бизнинг элда бичмайдилар түн.
Қозони йўқ ӯчоққа нечун
Олов ёқмоқ, қаламоқ үтин?!

Н а в қ а р б о ш и

Маъзур тутинг, мен бечорани,
Касалликдан чиқмайди бошим.
Одамлардек ярасам қани,
Эртаю кеч ёвғондир ошим.
Неча йилки, бадкор ярақон
Зилол сувга оқсан лойқадай
Томирларим этмишdir макон,
Ҳар лаҳзада маҳв этмоққа шай.
Шаробга лаб тегизмоқ эса
Лағча чўғни шамолга бермак.
Қайда базм бошланди деса,
Ахтараман овунчоқ, эрмак.
Бугун фарид ёдимга тушди
Боболардан мерос бир удум:
«Олов ёқинг шодлик кунлари,
Кўк тоқига чирмашсин тутун.
Хабар топсин далалар, боғлар,
Хабар топсин элу юрт бутун.
Олов ёқинг шодумон чоғлар,
Кўк тоқига чирмашсин тутун».

А т а н

Боболарни унугтан эллар
Дастаси йүқ ханжардир, зотан
На ҳимоя қилмоқни билар
Ва на ҳужум чоги асқотар.
Яхшилик деб ёнган юракка
Меҳрим ортар дақиқа сайин.
Келинг, мен ҳам үтин теришай,
Касалмандсиз, күмак берайин.

VII

Келаверди май устига май
Бүш күзалар думалайверди.
Навкарбоши эса пайдар-пай
Ерўчоққа ўт қалайверди...
Тиниқ фалак тубсиз тоқида
Кимдир кутган каби кўз тутиб,
Булут рангли аргумоғида
Тикка ўрлаб борарди тутун.
Базми жамшид авж олган сари
Сипарангиз кўнгли бўлиб ғаш,
Тандир мисол қизирди бағри,
Ёндиради кўксини оташ.
Нимадир у, нимадир, ахир,
Юрагига солган галаён?
Ахсамарнинг ҳасрати балки,
Балки жангда оқизилган қон...
Оғироёқ эди Зарина
Ўтказарди тунларни уйғоқ.
Балки бу дам азиз жонига
Азоб берар ҳаётбахш тўлғоқ.
Балки шароб... тегажоқ қиздек
Ўйнашадур қўзғатиб жигин.
Билса эди, кўнгли тўларди,
Ўйларини оларди йигиб.
Билса эди, билса сезарди
Не ўй қийнар навкарбошини.

Сапча каби шартта узарди
Қилич солиб бадкор бошини.
Йўқ тушунмас, тушуна олмас
Туйғуларнинг тилига инсон.
У имконлар ахтараверар
Қарийверар ўздаги имкон.
Билса агар жафо ахтариб
Ким сурарди ўзга юртга от.
Билса эди, билгани сари
Рангсиз бўлиб қоларди ҳаёт.
Йўқ, тушунмас, тушуна олмас
Туйғуларнинг тилига башар.
Нажот истаб яшайверар у,
Нажот унинг қалбida яшар.
...Ўчаётган уфқقا боқиб,
Сипарангиз хаёлга толар.
Аччиқ шароб танига ёқиб,
Майкўзани қўлига олар...

VIII

Қора қўшин
Кумга тўшин
Бериб ётар сепилиб.

Бўз шодурвон –
Тахтиравон,
Шоҳ ўй сурар асабий:

«Навкарбоши
Ақли шошиб
Имонини ютдими?

Дорул бало
Жанг ичра ё
Үлимга юз тутдими?

Наҳот макру
Ҳийла заҳри
Бу элга кор қилмагай?

Наҳот бу юрт
Фитна надур,
Иғво надур билмагай?

Қош қорайиб,
Чұл торайиб,
Үлік еллар тирилди.

Наҳот ярим
Навкарларим
Битта қолмай қирилди?»

Шу пайт бирдан
Учди қирдан
«Ту-ту-у-н» деган қичқириқ.

Даст турди шоҳ,
Күксин ногоҳ
Ялаб үтди изгириқ...

IX

Күл-оёғи кишанбанд, бошидан учиб хуши,
Сипарангиз англолмас, үнгими бу ё туши?

Қора тунда ёбонда ёлгиз қолган құринар,
Күзлари ёниб изғир теграсида бўрилар.

Бўртар бўритомири устувор аламидан,
Ияигига қон сизар қони қочган лабидан.

Қўрар, ясама чодир остида шоҳ үлтирад,
Хиёл энгашганича тиззасига қўл тираб.

Қўрарки, навкарбоши, оҳ, үша навкарбоши,
Шоҳга сўз айтиб турар ненидир титраб, шошиб...

Қўрар ва ...кўзларини чирт юмиб оҳ урар у,
Кўз очиб Ахсамарнинг ...бошсиз танин кўрар у.

Күрар... қоп-қора қонга бўялиб ётар бари –
Тенгқур қадрдонлари, юртнинг асл эрлари.

«Юзтубан ётган ким у, сизми Булутбек оға,
Энди сизсиз чўпонлар қандай яшар, ўтога?

Ким оталик қиласи энди тўққиз лочинга,
Лаънат демасми улар бу бераҳм очунга?

Бургуткўз, кечир мени, тўшагинг тупроқ бўлди,
Бу дунёда роҳатдан армонинг кўпроқ бўлди.

Эй, боши танасига вафо қилмаган ўғлон,
Бир тўшакда қиз билан сафо қилмаган ўғлон.

Сенсиз яшил яйловлар ҳувиллаб қолмасми, оҳ,
Кекса онанг кўзлари йўл қараб толмасми, оҳ.

Шукур... сени соғ кўрдим, қадрдоним Чароғбон,
Сенам асир тушдингми, қолдингми сен ҳам доғда?

Нечук бошингни эгдинг, қоматингни тут баланд,
Қўлдан кетмагай Ватан, омад кетгани билан.

Менда айб, менда гуноҳ, боқолмадим узоққа,
Кўнгилчанлик туфайли тушдим тайёр тузоққа.

Нетайки, етолмадим дўсту душман фарқига,
Энди тилларим тугун ҳасратимнинг шарҳига.

Лекин мен душманга ҳам шафқатни кўрдимраво,
Наҳот йўлладинг, Митра, яхшилик учун жазо?

Йўқ, улуғ зафар гули боқийдир, сўлгани йўқ,
Массагет ҳаёт ҳали, Тўмарис ўлгани йўқ!».

Дафъатан бош устида чаққандай бўлиб чақин,
Сипарангиз аламнок оёққа турар қалқиб.

К а й х у с р а в

(қаҳқаҳа отиб)

Кулги тури күп жуда,
Ҳаммасини биламан.
Мен ғалаба қылганда
Хандон отиб куламан.
Бундай қулги завқига
Камдан-кам одам етар.
Не дардинг бұлса, бари
Бир қулги билан кетар!

С и п а р а н г и з

(ғазабда)

То бошинг саломатдир.
Бадгир кимсага ҳар бор
Кулмоқ үзи омаддир.

К а й х у с р а в

(кулгиси үчиб)

Бизда соҳибдорони
«Сен» демак жиноятдир.

С и п а р а н г и з

Бизда күнгли қарони
«Сен» демак диёнатдир.

К а й х у с р а в

(ичида үйлар)

Бадбаҳт фолбинлар фақат
Мени талашни үйлар.
Оғзига келганини
Каромат дея сүйлар...

Нур сочар эмиш хира
Порлоқ зафар юлдузим.
Хатарли йүл бошида
Турган эмишман ўзим.
Күрнамаклар! Шошманг ҳали
Оқ құллари бүйнимда,
Тұлғанғанда солланиб
Ой Тұмарис қүйнимда,
Бепоён қир-далалар
Меники бұлғанида
Ва хазинам бешумор
Бойликка тұлғанида
Бул бемаңни башорат
Эвазини тұларман.
Бошсиз тананғиз узра
Фолибона куларман.
Фақат... мана бу тентак
Йигитни бир амаллаб
Құлга олмоғим керак,
Шунга боғлиқ ҳамма гап!

(жилмайиб, овоз чиқариб)

Тушунаман, майи ноб
Забонни бурро қилас.
Қаҳри қатағон подшох
Муруватни ҳам билар.

(навкарбошига)

Құлларини бұшатинг!
Ёшлик менгзар баҳорға
Фақат баҳт ваъда этар.
Сув күриб этик ечган
Бир кун муродға етар.
Ботир йигит экансан,
Саркардам бүл, қүй ихлос!

Си парангиз

(истеҳзоли овозда)

Афсус, зарбоф түнинг, шоҳ,
Тор келади эгнимга.
Килмагайман хиёнат
Оқ сут берган элимга!

X

(Сипарангизнинг сўнгги ўйлари)

Инсон табиатан майшатга қул,
Бунинг соз давоси экан талх шароб.
Ва лекин қўрқаман, дўстларим, бир кун
Ул бани инсонни айлар деб хароб.

Бекадр бўлмангиз сафо қошида,
Ул гўё чўлдаги бекарам сароб.
Сипарангиз ўлди йигит ёшида,
Уни ҳалок этди ёв тутган шароб.

Зарина, эй менинг жасур жайроним,
Кунчиқар уфқига боқицдан толиб,
Унда беш кўтарса қумлар бўрони,
Ўйларсан, келур деб жанговар, голиб.

О, йўқ, мушкул эмас дийдор кўришмок,
Истасам қошингда бўлурман ҳозир.
Лекин омон экан жонажон тупроқ
Бундай разилликка бўлмасман рози.

Гуноҳкор ўғлингни кечир, онажон,
Энг сўнгги дақиқа фафлатда қолдим.
Эвоҳ, бўлолмадим дардингга малҳам,
Ғамдан йўлларингга поёндоз солдим.

Юрагимда сенга сўзим кўп эди
Ёз тунин ёритган юлдузлар қадар.
Армонларим кўпдир, онажон, энди
Ўртар юрагимни ўт бўлиб қадар.

Ожизлик иқрори эмас аммо бу,
Беадоқ соғинчинг афғони, холос.
Эр йигит – элининг қалбига кўзгу,
Жон фидо қилгаймен массагетга хос.

Куёш тангрисининг ўзи шаҳодат,
Қонхўр душманимга бўлмадим таслим.
Ханжар урмоқдаман қўксимга, фақат
Номард ўсмасин деб навқирон наслим!

XI

Қалқиб кетди Сипарангиз,
Вужудини босди тер,
Қалқиб кетди тепаликлар,
Титраб кетди Она-ер.
Чўл шамоли уввос солиб
Бутоқларга урди бош,
Сипарангиз кўзларида
Абадий ботди қуёш...

XII

Фира-шира тун қоронгуси,
Ўқтин-ўқтин тўргай чулдирап.
Тўкин кўкиш шувоқлар иси
Юракларга бостириб кирап.
Ёмғирли кун сўнггида зоҳир
Паға-паға қор учқунлари
Каби эрир кўкда юлдузлар,
Машриқ уфқи ёришган сари.
Чучмомалар очилган қирдан
Қалқиб чиқди икки сувори.
Сомон йўли каби узайди
Ёлғизоёқ йўлнинг губори.
Оқ тулпорда чайир Чароғбон,
Тўриқ отда қув навкарбоши
Гоҳ изма-из, гоҳи ёнма-ён,
Дўнгсаклардан боришар ошиб.

Сариқ тұлқин, сап-сариқ тұлқин —
Тұда-тұда сайғоқлар чүчиб,
Чопар, оқар, тошар уфқдан
Күздан үчар самога чүпчиб.

Эгнида ёй, белида қилич,
Дубулғаси тиф үтмас бирич,
Кечаги кун ёди билан маст,
Навкарбоши танига сиғмас:

«Чүқморингни ташла, эй гумроҳ,
Оро кирмас жонингта чүқмор.
Күрмайсанми, ёвнинг құлида
Чүқмордан-да кескир қилич бор.

Қиличингни ташла, эй гумроҳ,
Жон заҳмини чекарсан ҳамон.
Күрмайсанми, ёвнинг құлида
Қиличдан-да кучлироқ камон.

Камонингни ташла, эй гумроҳ,
Бандиликни айла ихтиёр.
Күрмайсанми, ёвнинг құлида
На камон, на қилич, на чүқмор.

Үйлайсанки, уни мавҳ этмоқ
Сенинг учун бир гап шунчаки.
Йұқ, енгилдинг, энди кеч, э воҳ,
Пичоқ тортди бүғзингта макр!

Ха-ха, макр шундай яроқки —
Үйнашингдек құйнингта кириб,
Иньом этиб үткинчи лаззат
Билиб олар энг азиз сиринг.

Магар күңгил хазинасига
Осиелик қулф бұлса сир, албат
Бордир унинг икки калити:
Бири — макр, бири — ҳақиқат.

Жами улус икки оқимдур,
Бамисоли кундуз билан тун
Курашларга бағишилар умр,
Макр учун ҳақиқат учун.

Магар ҳаёт бепоён сахро,
Бир кунжида мақсад манзили.
Унда жонға етиштей сафо,
Яшнаб ётар боқийлик гули.

Ва бир карвон интилар олға
Иzlарида гуркираб күклам.
Пиёдалар — сочилган йүлга
Лекин күлік мингандар кам.

Манзилларни күп күрган бир чол
От устида. Лаҳат тупроғи
Уннагандир юзига, алхол
Сұлиб борар умрининг боги.

Ҳали бұса таъмин тотмаган
Үсмир йигит борар пиёда.
Орзулари зиёддир ҳаддан,
Йүл азоби ундан зиёда.

Ҳақиқат дер: «Әй, үсмир йигит,
Орзуларинг бахш этсин қанот,
Ёмонликни дилингдан унут —
Мақсадынға етказур сабот!»

Макр айтар: «Қани, йигит, бүл,
Чолни отдан ташла агдариб.
Балли! Энди кетавер, оқ йүл,
От қүй мурод манзили сари!»

Ҳақиқаттаға содиқ, жонсипар,
Макрини рад эттәнлар нетди?
Ёт үлкада гумроҳ Ахсамар
Фунча каби очилмай кетди.

Гар ҳақиқат пеш бўлса, нечун
Зарур пайтда юзин ўгирди?
Сипарангиз ҳақиқат учун
Ўз кўксига ўзи тиф урди!

Мен макрга очдим дилимни,
Ҳатто ўлим тикилган чоғда
Шамшир каби чархлаб тилимни
Унинг ўзин қолдирдим доғда.

Беталофат ва беиштибоҳ
Бахт bogига еткурди макр.
Чақмоқ тилла, чурра арғумчоқ
Инъом этди иноятли Кир.
Мана, бу кун иззат кўрсатиб
Элчиликни кўрмиш муносиб...»

Эсноқ тугар навкарбошини,
Уйқу келар тумандай босиб.
Аммо макр чиқади чақин,
Дил кўкига ўтлар сочилар.
Олис бахтлар келару яқин,
Тағин кўзи чойдай очилар...

XIII

Элас-элас эслар Чароғбон
Тонг. Қор ёғар ўйноклаб-учиб,
Бўзтўрғайдек бўзлар онаси
Совиб қолган жасадни қучиб.
Сал нарида йўлбарс ўлиги
Ва хўмрайган икки-уч киши
Бир сўз демас, бошлари эгик, —
Вожиб бўлди Митра хоҳиши...

...Яна эслар, ним ёруғ хона,
Дуо қиласар дуогўй кампир:
«Ўлим — Митра истаги, болам,
Унга чол ҳам чақалоқ ҳам бир.

Меҳрин дариф тутмади осмон,
Жасоратга мушарраф бўлди —
Йўлбарс билан олишиб ўлди,
Чўпон отанг, чапдаст Эломон.
Сўлмоқ асли унмоққа қоим,
Ўлимда ҳам бор эрур мантиқ.
Дейдиларки, ўхшашдир доим
Ота билан бола қисмати.
Ўтинаман, шом ила саҳар
Митра токи зоримга етсин.
Бу дунёда, болам, сенга ҳам
Жасоратли ўлим баҳш этсин.
Аммо обиҳаёт косасин
Сўнгтигача симир, оқ бўлсин.
Баҳтинг отанг баҳтидан фузун,
Умринг эса узуроқ бўлсин!»

Элда азиз эди дуогўй,
Қалби тоза, нияти ҳам оқ.
Чароғдоннинг дуркун қалбига
Сочди қўрқув уруғин бироқ.
Томир ёйди тез орада у
Қон-қонида сўнгра ниш урди.
Борлигини билдиrmаса-да
Ўзлигини сездириб турди.
Осон эмас, қайдадир ажал
Шай турганин ҳис этиб яшаш.
Ҳар нарсадан Чароғбон тажанг,
Кўнгли эса тортар эди ғаш.
Кўзларига тунги ҳар қора
Йўлбарс бўлиб кўринар эди,
Тушларида у неча бора
Чанг солмоққа уринар эди.
Лекин ҳаёт офтоб мисоли
Йўқдан бино қилмоққа қодир.
Чароғбоннинг сокин умрида
Бўлди ажиб ўзгариш содир.

Қовжираган қалбига биллур
Ёмғир каби ёгди муҳаббат.
Заринани севиб қолди у...
Висолига етмади фақат!

Лиммо-лим күл сувини чопқин,
Баҳор сели тоширганидай
Чароғбоннинг қалбини охир
Остин-устун қылди аччиқ май.
Қирғинбарот чоғи қўзини
Қора тундек қоплади қўрқув.
Тирик туриб отди ўзини
Ўликларнинг орасига у...
Ўз қўксига урганда ханжар
Сипарангиз жанг майдонида,
Ҳатто золим Кайхисравнинг ҳам
Ҳавас ўти ёнди қонида.
Гарчи ғамгин эди Чароғбон
Жовдиарди қўзларида мунг,
Худбин туйғу қиласиди исён
Юрагининг тубида унинг:
«Бир бор чопар йигитнинг баҳти,
Келди менинг омадим, демак,
Токи тирик экан Зарина
Мен яшашим, яшашим керак!»

XIV

Чучмомалар очилган қирдан
Қалқиб чиқди икки сувори.
Сомон йўли каби узайди
Ёлғизоёқ йўлнинг губори.
Оқ тулпорда чайир Чароғбон,
Тўриқ отда қув Навкарбоши,
Гоҳ изма-из, гоҳи ёнма-ён
Дўнгсаклардан боришар ошиб.
Чароғбоннинг оғир ўйлардан
Кўнгли озар, қўзлари тиниб,

Гүё асов тог дарёсида
Оқиб борар ёғочга миниб.
Чаш тараф тик сидирға чоғот,
Тик сидирға қоя үнг тараф.
Йұқдир ортға сузмоқдин најот,
Олдда кутар тезоб шаршара.

«Мен-ку шафқат қилмадим сира,
Қисматим ҳам қилмади шафқат.
Үз элимнинг маликасига
Ёвдан ёзиг етказмоғим шарт!
Шунинг учун үлимдан қочиб,
Тушғанмидим ёгийга банди.
Май зўридан Кирни ҳам ёки
Билғанмидим үзимдек анди.
Тўмарисга бу зарба нечун
Фарзанд доғи ўзи етмасми?
Бул носазо қилмишим учун
Эл қўзича қатл этмасми?
Талпинганим – сулув Зарина
«Туф» демасми бетимга қараб? –
Чароғдоннинг иссиғи ошар,
Бағри ўртар томоги қақраб. –
Наҳот, үлим сўнгги чорадир,
Наҳот, менинг баҳтим қорадир?
Хўш, қочсам-чи, қочиб қолсам-чи
Тулпоримга боссам-чи қамчи?
Навкарбоши эпчиллик қилиб
Камондан ўқ узса-чи аниқ?
Эвоҳ, қани менинг табарим,
Менинг учқур камоним қани?».

Кун қиёмга келгани сари
Тандир қаби қизир эди чўл.
Гоҳ ўрмалаб, гоҳида шўнғиб
Аллаларди нигоҳларни йўл.
Чароғбоннинг ҳасратин тинглаб
Балки Митра келди кўмакка,

Кечаги күн ёди билан масть
Навкарбоши кетди пинакка.

Хүшёр тортди Чароғбон бирдан,
Мушаклари тош каби қотди.
Миясига келган фикрдан
Үзни ёғий устига отди.
Бир сапчиди кишинаб түриқ от
Юки оғир тортганин туйиб...
Түзіб қолди үтда икки ёв
Бамисоли қоп-қора қуюн.
Навкарбоши ҳушидан айри
Келгунича токи үзига,
Чароғбоннинг темир құллари
Чангак каби ботди бүғзига.
Құзларига қуйилди зулмат,
Хирқиради, сезди үлимин.
Жон ҳалпида эңг сүнгги фурсат
Ханжарига чўзди қўлини...

XV

Тұшакни тарқ айлади Атан
Тамом битмай жароҳатлари.
Ёшу қари бўлиб жамулжам
Отландилар сўнгти жанг сари.
Ўрта чўлда буюк Тўмарис
Шайланаркан музaffer жангта,
Кунчиқардан бостириб кирмоқ
Топширилди жўмард Атанга.
Митра боқий чирогин ёқди,
Кўкни тутди қадрдон қўшиқ.
Чўл бағрига сел каби оқди
Адоги йўқ жанговар қўшин.
Аҳён-аҳён салқин ел эсар
Тўлқинланар ям-яшил үтлоқ.
Кўрдиларки, беэга, бесар
Яйраб юрар икки аргумоқ.

Сал қүйида түс қорағажир
Бир чүқиб, бир алантлаб боқар.
От қүйдилар үша тарафга
Ва ҳайратда тутдилар ёқа.
Икки мурда ётар ёнма-ён,
Қора қонға қоришиб, сасиб.
Күзларида шавқ шарораси
Үриб юрар оғули илон.
Кимлар булар? Танимоқ маҳол
Оташ Митра билажак билса.
Ул бири ёв навкари алхол,
Массагеттир бири алқисса.
Қирғин чоги балки булар ҳам
Қочиб қолған қалпини топиб.
Аммо қувиб етғану душман
Йўл бўйида ташлаган чопиб.
Кимлар булар?
Бири Бургуткўз,
Иккинчиси Ахсамармикан?
Сўз демоққа топилмайди сўз,
Бўзлар дили шикаста Атан...

...Уфқ ҳуркак сайғоқ сингари
Қочди бир қир нарига яна.
Массагетлар — қуёш гуллари
От сурдилар музaffer жангта.
Сўнгги бора боқдилар ортга:
Бамисоли гурлаган олов,
Икки қабр узра шамолда
Ҳилпиарди бир жуфт бўз ялов...

XVI

Олис юлдуз сари тикдим кўзимни,
Боболар лафзидан битдим сўзимни,
Улар тасвирида чиздим ўзимни,
Хайр, энди кўришгунча, яхшилар!

Куйладим күймаган бағрим эзилди,
Куйладим, дұмбирам тори узилди,
Құшиқнинг йұллари шундай узундир,
Хайр, энди құришгунча, яхшилар!

Тинглаганлар бир умр кам бұлмасин,
Ҳажр аро киприклари нам бұлмасин,
Бевафо ёр-дүстга ҳамдам бұлмасин,
Хайр, энди құришгунча, яхшилар!

1978—1980.

ТАРЖИМАЛАР

Ғүсса чўқса, дўстим, дилингга,
Табассум қил, қув ғамни нари.
Уйма қовоқ, чекма азият,
Унут бўлар пайт етиб бари.
Ёш қизларнинг алдоқларию
Топталган шаън туйғулари ҳам,
Дилгирликнинг маҳзун дамлари
Арзимайди чекмогингга ғам...



АФСОНА

Яшар эди чүлда бир бефарқ мулла қавмга,
Бир куни у дуч келди эчкиоёқ фавн¹ га.
Фавн деди, муллани ҳайратта солиб, яъни:
«Жаннати бўлсам дейман юмсан кўзимни,
Дуо қилинг болаларим ҳамда ўзимни.
Токи тангрим қабул этсин арши аълога».
Аммо мулла қўл очмади соҳир дуога:
«Тилакларинг, ўйлайманки, бўлмас ижобат,
Зеро йўқдир тавалло-ю дуога ҳожат.
Эчкиоёқлигинг билиб қолсалар агар,
Билки, беҳишт эшиклари ёпиқ муқаррар».
Фавн бундан бўлди-ю лол, ташлади савол:
«Нима қипти, эчкиоёқ бўлсам, тақсирим,
Наҳот олло айби билан қолсан балога?
Биламанки, баъзи эшакбошларни тангрим
Бир сўз демай қабул этгай арши аълога».

¹ Ф авн – қадимги Рим мифологиясида урмон илоҳи.



ЛЕРМОНТОВ

КУЗ

Далаларда заъфарон ҳазон
Гир айланар, учар пирпираб.
Фақат қора қарагай ҳамон
Яшнаб турар күм-күк, гуркираб.
Құшчи ғоҳо пешинда ҳорғин,
Қоя ости — гуллар ичра гарқ —
Бирпас ором олмоқ одатин
Энди буткул айламишдир тарқ.
Ҳайвонлар ҳам ғоҳ гала-гала
Шошиб ўтар макон ахтариб.
Кечаси ой туссиз. Кенг дала
Кумушланар туманда ғариб.

ҮГИТ

Ғусса чўкса, дўстим, дилингга,
Табассум қил, қув ғамни нари.
Уйма қовоқ, чекма азият,
Унут бўлар пайт етиб бари.
Ёш қизларнинг алдоқларию
Топталган шаън туйғулари ҳам,
Дилгирликнинг маҳзун дамлари
Арзимайди чекмоингга гам.
Фаниматдир бебаҳо умр,
Балолардан ўзингни аспа:
Севинч болин ютоқиб симир,
Ўзи кириб келади ҳасрат.
Одамлардан ўтиргмагил юз,
Ўзгаларга ўргатма ақл.

Ахтармасанг йўқ фазилатин
Бир кун севиб қолмоғинг ҳақдир.
Не куйларга солса ҳам юрак,
Яша юрак амрига қараб.
Ҳислар мавжин, бўлганда керак,
Тийиб қўйиш нима деган гап...
Бахтсиздир, ким тақдирида бор
Орзуларин кечириб бир-бир,
Бахт туйғусин йўқотиб, охир
Бўлар экан баҳтга сазовор.

ВАСИЯТ

Бирпас ўтири бошимда, оға,
Оёқларим тўниб бормоқда.
Айтдиларки, аҳволим оғир,
Умрим шами сўниб бормоқда.
Тез кунларда борурсан уйга:
Қўй, мен учун қайғурма ортиқ.
Надир ўлим? Учқур ҳаётда
Бандасига бу ҳам бир тортиқ.

Кимдир йўқлаб қолса мабодо...
Ким бўлса ҳам, сўрагани пайт,
Ватан учун муҳорабада
Кўкрагидан ўқ еди, деб айт.
Ўлим топди чин-ҳалолидан —
Жангга кирди шоҳ учун дадил,
Ҳар дақиқа ўй-хаёлида
Юрт хаёли эди, деб айтгил.

Отам-онам, сен борганинг чоғ,
Ўтган бўлар балки оламдан...
Очиғини айтсан, уларни
Оғоҳ этгим келмас бу ғамдан.
Биронтасин омон топсанг гар,
Айтгил, хатга йўқроқ деб тоби.
Полк жўнади янги юришга
Қайтмас уруш тугамай токи.

Құшни яшар уларға бир қыз...
Едға түшса, үртанаң бағир.
Аллақачон... ажраб кеттәнмиз,
У сұрамас мени... барибир
Сен үнга бор ҳақиқатни айт,
Дардга тұлсиян юраги, майли.
Майли, ўксиб- ўксиб йиғласин...
Халок бұлди, де, сен туфайли!

ПОРТРЕТТА

Бола каби у құнгироқ соч,
Меҳр ёғиб турар юзидан.
Тингламоқлик багишлар қувонч,
Бол томади ҳар бир сүзидан.
Одат этмоқ ётдир руҳига,
Гоҳ севаругоҳ тез унутар.
Илон янглиғ сирғалар құздан,
Күш мисоли учар-да кетар.
Ёш, ярқироқ пешонасига
Ҳасрат битмиш, баҳт битмиш дарие.
Қалби уммон тубидек сирли,
Кундуз каби құzlари ёруғ.
Бир қарасанг — тиник ёз куни,
Бир қарасанг — қорли қиши фасли.
Тушунмаслик мүмкіндір уни,
Мүмкін эмас аммо севмаслик.

* * *

A.O. Смирновага

Йүғингизда юрагим тошар,
Борингизда тутқич бермас сүз.
Сизге жиғдий боқмоқ ярашар,
Менға ҳайрат тұла бир жуфт күз.

Начора, сиз сұздан юксакроқ,
Қисматимдир сабру тамкинлик.
Күлгили ҳол бұлмасди бундоқ,
Бұлмаганда бундай ғамгинлик.

АҲДНОМА

Майли, бизнинг бу ғаройиб аҳд
Оломонда құзғасин нафрат.
Майли, улар үйлаганча бад:
Сен мен учун маъшуқа фақат.

Тиз чўқмасман, ҳатто бу дунё
Санамлари олдидә зинҳор.
Муҳаббату нафратдан авло,
Мукаррамроқ яна нима бор?

Шўх даврада сендеқ чарх уриб
Айланаман. Яхшию ёмон
Барча ила тенг суҳбат қуриб,
Юрак амри билан яшайман.

Дунёвий баҳт чикора бизга,
Муҳими, биз учун диёнат.
Биз содиқмиз ўз-ўзимизга,
Қилолмаслар бизга хиёнат.

Тил топишдик шундай дафъатан,
Кетмоқдамиз ажралиб энди.
Бу қувончсиз муҳаббат эди,
Қайғу бўлмас айрилиқда ҳам.



СЕРГЕЙ ЕСЕНИН

* * *

Шамоллар, ҳей, қорли шамоллар,
Кечмишимдан айланғ мосуво.
Ойдай бола бұлсайдим қани,
Уватда гул бұла қолсам ё.

Чолғу чалса чүпонлар, нечун
Дил рихлатни айлар ихтиёр.
Юлдузларнинг құнғироқларин
Кулоқларга қуяр кечки қор.

Бүрон ичра чаппор урса у
Нақадар соз тиниқ жаранги.
Қани, дараҳт бұла қолсаму
Йұл четида турсам тараниб.

Гул бутогин босай бағримга
Сараганда отлар дупури.
Ич-ичидан гүссаларимни
Ёрита қол, тұлин ой нури...

СЕВАРАМ

Мен сени севарам жондан ичкари,
Йүл йүқ ўзга бу аркондан ичкари.

Қай ёна боқмайин ҳар ёна борсан,
Сендеқ ичкари йүқ мендан ичкари.

О, бир дилбарки у, йүқдир нишони,
Нишонми бор бу нишондан ичкари.

Кимга шуъла тушса ҳақнинг кўзидан,
Унинг шуъласи бор кундан ичкари.

Мени ишқинг этмиш мендан мосуво,
Ширина дардки, бу дармондан ичкари.

Шариат, тариқат мастона йўлдир,
Маърифат, ҳақиқат ундан ичкари.

Сулаймон қуш тилин билар дедилар,
Сулаймон бор Сулаймондан ичкари.

Дин кетса-да диёнатим кетмасин,
Бу не мазҳабдуур диндан ичкари.

Динни тарк этганинг куфрдир иши,
Не куфрдир бу имондан ичкари.

Кетар чоги Юнус дуч келди дўстга,
Қолди даргоҳида ондан ичкари.

МУНДАРИЖА

Латиф ва дилбар шеърият	5
Гарашаликлар құшиғи	10
Остонада	11
Йұлдаги түйгүлар	12
Яна келар сен күтган баҳор	13
Құшиқ	14
Содиқ ит ривояти	15
Пушти чироқлар	18
Истиқдол	18
Юксаклик	18
От хурмати	19
Хамдардлик	20
«Бу боғнинг боғбони...»	21
Сұз ва шахмат	22
Туманли дара	23
Бекатлар	24
«Бу қандай рүй берди...»	25
Вақт	26
Болалик	27
Күхна нақл	29
Ёмғир суви (Түркүм)	30
Йүқолмас	34
Ез оқшоми	35
Шархи ҳол	36
Тандир	37
Най	37
Дараҳт	37
Алёр	38
Узум таърифіда	39
Тавалло	41
Бу боғ	42
Афанди	43
Жиззахим	44
Гул	45
Сұз	45

Юрак	45
Янги замон шукуҳи	46
Мансублик	48
Дарёнинг икки юзи	49
Ўрмончилар	49
Эҳтирос	49
Тунги тахайюл	50
Болалик ёди	51
Мусофият тарафайн	52
Эй рафиқ	52
Эпиграмма	52
Бола Ботир	53
Аёллар	59
Болалик	60
Алдаркуса	60
Ростгўйлик	60
Эй кўнгил	61
Саратон	62
Усмон Носир ва ўзгалар	63
Шоҳи жон	63
Ер тафти	63
Ўзбекистон	64
Тафаккур	65
Кўнгил юзи	65
Жаннат	65
Оқсаной (Манзума)	66
Қисмат	69
Оқшом қўёши	69
Ажаб дунё	69
Мангур ҳижрон навоси	70
Шукrona	72
Кувонч қуши	73
Интиқом	73
Абадий савол	73
Гўзал шу боғ ичинда	74
Юлдуз шуъласи	75
Гулхан	76
Кетмончи дўст	76
Қора тош	77
Чулпон ёди	78
Онаизор	78
Умр Фасли	78
Онажон	79
Бедилона	85
Ҳаж ибодати	85

Машраб	85
Излар	86
Овчи	87
Озодлик	87
Хақиқат	87
«Балки бунинг барига сабаб...»	88
Умр йўлдошимга	89
Куйган кўнгил	91
Эл ҳикмати	91
Туюқ	91
Пушкин	92
Ниқобли дунё	93
Футбол ва ҳаёт	95
Пишиқчилик	96
Азизам	98
Эркаклар ва аёллар	99
Чоштепада ёз	101
Мўъжиза	102
Эй инсон	102
Фарзанд қисмати	103
Суз жамоли	104
Тун ва қуёш	106
Дўст бозори	106
Атиргул соясида	106
Муҳаббат математикаси	107
Ишқ ояти	108
Ибодат	109
Зиёрат	110
Навоий ва Бобур	111
Тўртликлар	112
Олис ўлдуз (Достон)	115

Таржималар

Гёте. Афсона	142
Лермонтов. Куз	143
Ўғит	143
Васият	144
Портретга	145
А.О. Смирновага	145
Аҳднома	146
Есенин. «Шамоллар...»	147
Юнус Эмро. Севарам	148

50



11

Адабиј-бадиј нашр

Саъдулла Ҳаким

КҮХНА НАҚЛ

Шеърлар, таржималар, тарихий достон

Мұҳаррир *Ойдин Йұлдошева*

Бадиий мұҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*

Техник мұҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусаххих Доно *Түйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳимедова*

Нашр. лиц. № 154. 14. 08. 09. Босишига 08.09.2011 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. 7,98 шартли босма тобоқ. 6,2 нашр тобоғи. Адади 2000 нұсха. 64–2011 рақамли шартнома. 287 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида
чоп этилди. 100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кӯчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz



ISBN 978-9943-03-369-6

9 789943 033696